



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 21-dekabr • №51 (4190)

ОНАМ ЁПГАН ИССИҚ НОН

Яқинда мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг йигирма йиллигини кенг нишонладик. Юртбошимиз ана шу муҳим санага бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йўлида эришадиган ютуқлари ҳақида фикр юритиб, "Тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгиланишларни чуқур англаш, тасаввур этиш учун биз кеча ким эдик-у, бутун ким бўлдик, деган табиий саволни бериш ўринли деб биламан", дея алоҳида таъкидлади. Чиндан ҳам биз кеча ким эдик-у, бутун ким бўлдик? Яқин ўтмишдаги ҳаётимизга бир кўр назар солиб, ҳозирги кун билан солиштирсак, юртимизда амалга оширилётган улкан миқёсли ислохотлар мазмун-моҳиятига эътибор қаратсак, бу саволга жавоб топишимиз мумкин...

Ёз фаслининг илк кунларида туғилиб ўсган кишлоғимга борган эдим. Анчадан бери йўлимга илҳақ кўз тикиб ўтирган онам елиб-юғуриб, бир зумда тўкин дастурхон ёзди. Унда сархил помидор, бодринг, кўкатлардан тортиб, лаганга хирмон қилиб қаржланган тарвуз ҳам бор.

— Ҳаммаси ўзимизнинг томорқадан чиққан, — дея изоҳ берди онам дастурхонга тикилиб турганимни кўриб.

— Тарвуз саратоннинг чилласида пишарди, шекилли? — сўрадим ажабланиб.

— Ҳозир одамлар ҳамма нарсанинг йўлини топишяпти, — деди онам жилмайиб. — Илгари-лари биз гуллоланинг иссиғида қовун-тарвуз-нинг уруғини ерга қадардик. Ҳозир кўпчилик эрта баҳорда плёнканинг остига кўчатлаб экишяпти. Шундай қилинса ҳамалнинг совуғи

ҳам унга зиён қилмас экан. Кунлар илиб, ерга уруғ қадайдиган пайт келгунча бу тарвузларнинг палаги гуллаб улгуради. Аканг ҳам бошқалардан кўриб уч-тўрт жўякка қовун-тарвуз экувди.

Ватан обод — кўнгул обод

Тарвузи пишганига анча бўлди. Еб адо қилол-маямиз. Вақтида сугориб турилса, изма-из пишавераркан. Қовунларга ҳам ранг эниб қолди. Кетгунингча унга ҳам озғин тегади. Ол, ўғлим, "омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик!" Шу кунларга етказганига шукр.

Кишлоғимиз даштли ҳудудда жойлашган. Шу боис яқин вақтларгача унинг иқтисодий имкониятлари ҳам ҳаминқадар эди. Одамлар

асосан оз-моз лалми деҳқончилиги чорвачилик билан қифояланишга мажбур эди. Кишлоқнинг адоқ тарафиди бўз ерлар сувсизликдан қақраб ётарди. Болалик чоғларимизда биз у ерда мол-ҳол боқардик, қўзда эса гуркираб ўсиб ётган янтоғини хашак ўрнида чопиб олардик.

Қисқа вақт ичида ана шу бўз ерларнинг ҳам манзараси бутунлай ўзгариб кетди. Канал қазиб, сув келтирилиши натижасида унинг каттагина қисми ўзлаштирилиб, пахта, ғалла экила бошланди. Бизнинг хотирамизда қақроқ дашт сифатида муҳрланиб қолган кенгликларда ҳам бугун турфа ноз-неъматлар етиштирилипти. Лалми ерга бир вақтлардагидек озгина дон сочиб қўйиб, "осмоннинг қовоғига қараб" ўтириш йўқ — ерости, ерусти сувларидан оқилана фойдаланиб, баракали ҳосил олиняпти. Одамлар бугун зироатчиликнинг ҳам обдон ҳадисини олишган, замонавий тил билан айтганда, деҳқончилик маданияти юксалган.

Етти пушти чорвадор ўтган, яқин вақтларгача "тўртта туёқнинг устига" амал-тақал кун кечириб келган кишилар ҳам бугун миришкор деҳқонга айланишибди. Улар зироатчиликнинг ортидан ҳам бой бўлиш мумкинлигини англаб етишган. Бу гапни бекорга айтётганим йўқ. Уша кунларда кишлоғимиз кўчаларида турли вилоятлардан келган баҳайбат юк машиналарига кўзим тушди. Пайкалларда эса ана шу машиналарга бирин-кетин тарвуз юкланяпти. Шу тариқа бу ерда етиштирилган эртапишар тарвузлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам етиб борапти.

Давоми иккинчи саҳифада.



УСТА ВА ҚОР ЁҒДУСИ

Устахонага айна вақтида борган эканман, ичкарига кирар-кирмас уста Маҳмуд Назиров иш столи ёнида ўтирганига кўзим тушди. У ёғочдан ясалган лаганга безак бериш билан банд эди.

Шундоққина кўли етадиган жойда йўнучи асбоб-ускуналар, рўпа-расидаги ёритиш чироғи эса нақш туширилаётган лаганга нур сочиб турарди. Бир қараганда, чоғроққина

Таъбир жоиз бўлса, қўлигул уста Маҳмуд ишхонасидаги ҳар бир буюм халқимиз зақосидан сўзлайди. Меҳнат қуроллари уй-рўзгор анжомларида, қаламдон қаффа сигадиған сандиқчада, барча-барчасида аждодларимизнинг босиб ўтган маънавий ҳаёт йўли ва гўзалликка интилишлари муҳрланган. Турмуш, рўзгор талабига кўра яратилган анжомлар шакли-шамойили билан ҳар томонлама қулай ва бежирим, қолаверса, уларга турли нақш ва тасвирлар туширилган.

Давоми иккинчи саҳифада.

ХУСУСИЙ КИНО: ЮТУҚ ВА ИЗЛАНИШЛАР

Нодавлат киностудияларда суратга олинаётган бадий филмлар ҳақида сўз борганда, аксарият муҳлисларнинг фикри салбий эканлиги сир эмас. Сабаби, ҳавасга олинаётган филмларда кино санъатимизнинг келгуси ривожини учун хизмат қиладиган ғоявий, бадий изланишлар кўзга ташланмайди. Бироқ бадий филмларни яхши ва ёмон, томошабоп ёки зерикарли дейишнинг ўзи баланига баҳолаб бўлмайди. Хусусий студияларнинг ижод намуналарини таҳлил қилишда, аввало кино санъатининг бадий асосларига мурожаат қилиш лозим.

Тўғри, дастлабки йилларда актёрлик маҳорати суғ, профессионал тақрибаси бўлмаган ёш эстрада хонандаларини жалб этиш урфга кирган эди. Шунингдек, адабий тил меъёрларини бузиш, шевага урғу бериш табиий ҳолга айланиб қолган. Айниқса, ёш томошабинлар онгу шуурига кескин таъсир этиш усулларидан бири —

Таққан ва таҳлил

халқ озғак ижодида яқин бўлган сюжетлар асосида сценарий яратиш кенг тус олди. Натижада актёр ва актрисалар филмга маблаг бераётган муассис ёки продюсернинг тақлифи, баъзида кескин талабига қараб танлана бошланди. Эътиборли жиҳати, бош ролларни ижро этаётган ҳаваскорларнинг ёнида маҳоратли актёрлар етакчилик вази-фасини ўташ учун жалб этилди. Мазкур ҳолат илмий жиҳатдан таҳлил этилса, хусусий киностудиялар сурат-

га олаётган асарларда режиссёр ва сценарийнависнинг муаллифлиги аҳамиятсиздек бўлиб кўрилади.

Хусусий киностудияларга тегишли филмларнинг аксариятида комедия жанри остида томошабинни зўрма-зўраки қуддиришга бўлган уринишни кўриш мумкин. Шу маънода ҳажвий кино талабларига қисман жавоб бера оладиган "Тилла бува" филми ижодкорларнинг изланишлари эътиборга лойиқ. Эксцентрик ва лирик комедия қоришуви асосида яратилган мазкур асарда ҳаёт-сева замондошларимизнинг ўзига хос қиёфаси акс этган. Бироқ муаллиф Шахноза Жамилова бир филм мазмунига бир неча ғояни сингдиришга урингани асар савиясини тушириб юборган.

Давоми бешинчи саҳифада.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган адабий учрашувлар, ижодий кечалар тобора яқинлашаётган янги йил байрами ва Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган тадбирларга уланмоқда. Юртдошларимиз ўтаётган "Мустақам оила йили"нинг сарҳисоби, оилавий ҳаётларида, илм эгаллашда қўлга киритган ютуқлари, қувончони қириб келаётган "Обод турмуш йили"да ўз олдига қўйган орзу ва умидлари ҳақидаги фикрларини ўзаро самимий суҳбатларда шоир ва ёзувчиларимиз билан баҳам кўрмоқдалар.

Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган адабиёт кунларида ҳам Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги Юртбошимиз маърузасида таъкидланган улғу мақсадимиз, юртимизнинг янада фаровон, тур-

АДАБИЁТ КУНЛАРИ

мушимизнинг янада обод бўлишига эришиш йўлидаги вазифаларимиз, ёзувчиларнинг бу борадаги бурч ва масъулияти ҳақида сўз борди.

Термиз давлат университети, академик лицей ва касб-хунар коллежларида бўлиб ўтган учрашувларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов, раис ўринбосари Анвар Жабборов, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, ёзувчи Эркин Аъзам, адабиётшунос Абдулла Улуғов ва бошқа ижодкорлар Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати, сўз эркинлиги ва ижодий жараён, мамлакатимизда адабиётга қаратилаётган юксак эътибор ҳақида сўзлашди. Тадбир доирасида Эшқорил Шукр, Болтажон Солиқов, Таштемир Турдиев, Болта Ёриев, Шафбат Раҳматуллаев, Оллоназар Улуғов, Сафар Қокилов каби шоир-ёзувчиларнинг ижодий кечалари ҳам бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими, сенатор Нормўмин Чориев адабиёт кунларига ташриф буюрган ёзувчилар билан учрашиб, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг воҳа аҳли билан ижодий суҳбатлари элга кўтаринки кайфият бахш этиши, ҳарбий қисмларда хизмат қиладиган чегарачилар билан самимий мулоқотлар эса аскарлар қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини янада жўш урдиришни таъкидлади.

Ҳарбийлар билан бўлган ижодий учрашувлар чегарачиларимизнинг фидойи, билимдон, адабиётни севувчи, юртининг асл ўғлонлари эканини намоён этди. Шоирлар ва чегарачилар суҳбати жонли, самимий ва қизиқарли кечди.

Менгнор ОЛЛОМУРОД

ҚИЗИЛҚУМНИНГ СЕҲРИ ОҲАНГЛАРИ

Мақом йўналишидаги мумтоз асарларни завқ билан тингламайдиган инсонлар кам топилади. Халқимизнинг юрак кўридан неча асрлардан буён жой олиб келаётган "Муножот", "Тановор", "Дилхирож", "Феруз", "Баёт" сингари дурдоналарда ўлмас оҳанг, сеҳрли куч бор, албатта.

Навоий шаҳрининг "Фарҳод" маданият саройида бўлиб ўтган "Қизилқум оҳанглари — 2012" анъанавий ижрочилик танловида иштирок этган муҳлислар ҳам ушбу оҳанглр жилосидан баҳраманд бўлишди. Навоий кон-металлургия комбинати тизимида фаолият юритувчи маданият йилари қошидаги ансамбллар ўртасида ўтказилган тадбирда вилоятнинг энг моҳир хонанда ва созандалари беллашди.

Ўзбекистон халқ ҳофизси Ўлмас

Сайджонов бошчилигидаги хайъат аъзоларининг ҳулосасига кўра Умида Йўлдошева танловнинг олий мукофоти Гран-при билан тақдирланди. "Фарҳод" маданият саройи қошидаги "Тараннум" ўзбек миллий чолғу ансамбли биринчи ўринга лойиқ топишган бўлса, иккинчи ўрин Гулчирай Усмонова ҳамда Фаррух Бахроновга насиб этди. Зармитан қони қошидаги маданият уйи хонандаси Юлдуз Жанибекова ва Зарафшон шаҳридаги "Олтин водий" маданият уйи хонандаси Абдоржон Фахриддинов учунчи ўринни қўлга киритишди.

Тадбир якунида барча иштирокчилар махсус сертификатлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Холидабегим ФАЙЗИЕВА



БИЛДИРИШ

Шу йил 25 декабр сешанба кўни соат 14:30 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида драматургия кенгашининг "Ёш драматург" семинар-машурути бўлади. Театр ва кино драматургияси илҳосмандлари ва барча қизикқанлар тақдир этилади.

26 декабр чоршанба кўни соат 15:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Онажоним — шеъринг" тўғарагининг навбатдаги машғулот бўлади. Машғулотга барча қизикқанлар тақдир этилади.

Мавзў: "Ўзбекистон" кўчаси, 16-А уй, 6-қават.



2013 йил Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлиш. Обуна КАТАЛОГИНИНГ электрон кўриниши www.akmt.uz сайтида. *ОБУНАГА ҚУМАКЧИ-МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ*

тел: 233-67-98
E-mail: info@akmt.uz

Бошланиш биринчи саҳифада.

Даштликлар ҳам уч-тўрт ойлик заҳматли ва серҳаракат меҳнатнинг ортидан яхшигина фойда қўришарди. Харқалай, кейинги пайтларда қўча-қўйда "Нексия"ю "Матиз"лар анча кўпайиб қолганининг асосий сабаби ҳам шунда. Яна кимлардир топган-тутганига шинамгина уй-жойлар қўришарди, тўй қилиб, ўғил ўйлантиришарди.

— Шунча йил яшаб, бизнинг даштда ҳам деҳқончилик қилиш мумкинлигини билмаган эканман, — дея хикоя қилган эди чироқчилик Яраш ота. — Ўғлим шу ишга бел боғлаганида "Кўй, болам, бу қирларда янтоқдан бошқа гиёҳ битиши дарғумон, ўзингни қийнаганинг қолади", деб шаштидан қайтаришга уринган эдим. Лекин у барибир ўз билганидан қолмади. Уч-тўрт ойдан сўнг қирнинг этагидида полизда юмалаб ётган қучоққа сиғмайдиган тарвузларни қўриб, кўзларимга ишонарлиқ қолди. Кейин ғайратим кўзиб, ўзим ҳам унинг қаторига кирдим, Худога шукр, шунинг ортидан анча ўнглиниб қол-

хоналар қурилиб, йўллар янада раво бўлди. Одамлар бу хайрли ўзгаришлар юртимизда амалга оширилган изчил ислохотлар туфайли юз бераётганини яхши ҳис қилиб туришибди...

Янагиз дастурхонга қип-қизариб пишган иссиқ нон келтириб қўйди.

— Буям ўзимизнинг ҳосилдан, — деди онам. — Худога шукр, ўзимизнинг нонимиз бор. Қорнимиз тўқ, эгнимиз бут, дунёмиз тинч. Шундай яхши замонларни қўриш насиб этди.

Саксон ёшни қоралаб қолган кекса онамнинг соддадиллик билан

ОНАМ ЁПГАН ИССИҚ НОН

айтган гаплари замирида улкан ҳаёт ҳақиқати муҳассама. Онам ҳам кўп қатори болалигида ҳаётчиликни кўрган, юпунлиқда катта бўлган, урушнинг қасофати билан гўдаклик чоғида отасидан айрилиб, етимликда вояга етган. Ҳозир ўша пайтларда ўзи бошидан кечирган воқеаларни, одамлар тортган қулфатларни

Бу ерда йиғилган оломон орасидан наваб олиб, кечгача умид билан ун келишини пойлаб ўтирамиз. Гапимиз мавзуси ҳам фақат нон ҳақида бўлади. Хар биримиз уйимизда ун кўп бўлишини, онамиз ёпган иссиққина нонни тўйгунча сувга буктириб ейишни орзу қиламиз. Дунёда муқобили йўқ фаровон жамият барпо этганини даъво қилаётган, бугун-эрта социализмдан эртақмонанд коммунизм босқичига ўтаганини қўлида қилаётган мамлакатда яшаётган мурғак гўдакларнинг энг катта орзуси шу эди...

Бир гал уйимизда бир сиқим ҳам ун қолмади. Отам икки-уч кундан бери ун ахтариб қор тарафга зир югуради. Таассуфки, барча уринишлари беҳуда, бир халта ун пиеда туғул, отликча ҳам топилмади!

Онам супрани қоқиштириб, ярим тандир нон ёлди. Каттагина рўзгорга тўрт-бешта нон нима ҳам бўларди? Шу кун ун қидириб кетган отамнинг йўлига умид билан кўз тикиб ўтирдик. Аммо отам кечга яқин яна бўш қўл билан қайтди. Ранги-рўйи бир ахволда эди. Ҳорғин қиёфада уйга кирди-ю, ётиб қолди. Маълум бўлишича, отам шу кун озиғина ун топиб беришни ваъда қилган қишлоқ шўро-раисини идора олдига қўтиб ўтириб, тасодифан тоби қочиб қолган экан. Уйга зўрға етиб келибди.

— Кўйинг, ўйланманг, — деди онам тўшақда мунғайиб ётган отамга далда бериб. — Шу зорманда бугун бўлмаса, эртага топилар. Худога шукр, бугунга етдиган нонимиз бор. Эртаси кун онам мени барвақт уйғотди.

— Юр, ўғлим, икковимиз шаҳарга бориб келамиз.

Бу гапни эшитиб жудаям хурсанд бўлиб кетдим. Сабабини ҳам сўрамаддан апил-тапил кийиниб, онамга эргашдим.

Чошгоҳ маҳали автобусда туман

марказига етиб бордик. Онам автобус бекатида менга иссиққина сомса олиб берди. Эрталаб чой ичмай чиққанамиз, қорним жудаям оч эди. Сомсаларни иштаха билан еб олдим. Шундан сўнг бирин-кетин озиқ-овқат дўконларига кириб-чиқа бошладик. Ана шундагина шаҳарга нон ахтариб келганимизни тушундим.

Ақсарият дўконларда нон йўқ эди. Борларидан ҳам киши бошига икки дондан зиёд сотилмас экан. Сотувчилар онамнинг ялинишларига қўлоқ солишмас, шунинг учун ноилоҳ икки дон бўлка нон сотиб олиб,

ташқарига чиқардик. Шаҳарнинг чеккароғида жойлашган бир дўконга кирдик. Онам тўладан келган, чиройлигина жувонга ахволни тушунтирдик. Барака топгур раҳмдил аёл экан, бироз ўйланми тургач, бориб дўконнинг эшигини ичкаридан қулфлади.

— Қопингизни беринг, хола, — деди у онамга. Ҳаш-паш дегунча иккита етмиш килолик қопни бўлка нонга тўлдирдик. Шу топда хурсандчилигидан ўзини қўярга жой тополмас, нукул ўша аёлга раҳмат айтди.

Сотувчи аёл бизга эҳтиёт бўлиб кетишимизни тайинлаб, дўконнинг орқа эшигидан чиқариб юборди.

Кечга яқин онам икковимиз нон солинган қопларни орқалардан хориб-чарчаб уйга қайтдик. Отам ҳам анча ўзига келиб қолган, бизни хавотир билан қўтиб ўтирган экан.

— Ўғлим нонтопар бўлиб қолибди-ку, — дея қўлимсираб бошимни силаб қўйди. Онам шу заҳоти дастурхон ёзиб, пичоқ билан бўлка нон кесди. Ўшанда илк бор "шаҳарликлар нони"нинг мазасини татиб қўрдим. Бўлка нонларни бўлаклаб, қўриб олдик. Ишқилиб, ҳафта-ўн кун нон ташвишдан қутулдик...

Онам ҳар гал ўша воқеани тилга олганида кўнглидан сотувчи аёлни ҳам эслайди. "Дунёда яхши одамлар кўп, болам", дейди ва ўша аёлнинг ҳақиқа гойибона дуо қилади. Ўша аёлнинг қиёфаси менинг ҳам хотирамда муҳралиб қолган. Гарчи орадан кўп йиллар ўтиб кетган бўлса-да, унинг менга синовчан қадагдан нигоҳи-халигача кўз ўнгимда турибди.

Шукри, ана шу кўнлар ҳам ўтмишда қолди. Бугун ҳаётимиз фаровон, шаҳарлардан тортиб, қишлоқ ва овулларда ҳам тўқин-сочинлик, маъмурчилик устувор. Хар қадамда обод турмуш манзаралари кўзга ташланиб турибди. Бундан ҳар қанча фахрлансак,

арзийди.

Кейинги вақтларда пойтахтда яшаётган зейилларнинг тез-тез шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб ижодий сафарларга чиқиб, оддий одамлар билан мулоқот қилиши яхши бир аънамага айланди. Завод-фабрикаларда,

Ватан обод — кўнгал обод

далаларда меҳнат қилаётган кишилар, кўркам таълим масканларида ўқийётган ёшлар, маҳаллаларда истиқомат қилаётган юртдошларимиз билан бўлган самимий учрашувлар, жойларда ўз бераётган хайрли ўзгаришлар билан танишиш кишига ўзгача руҳ бағишлайди. Муҳими, одамлар ҳам айнаи дамларда юртимизда юз бераётган жараёнларга нисбатан берафқ эмас. Ана шундай учрашувлар чоғида баъзан оддий кишилар томонидан бугунги фаровон ва осийишта ҳаётнинг қадрига етиш, бу борада олиб борилаётган ишларга ҳисса қўшиш юзасидан билдирилган жўяли фикрлар, мантикли мулоҳазалар минбарда ўтирган таниқли ижодкорлар томонидан олқиш билан қўтиб олинганига кўп бор гувоҳ бўлдим. Ва ўзимча шундай хулосага келдим: мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар оддий одамларнинг онги, тафаккурда ҳам акс-садо бераётти. Бу жудаям қувонарли ҳол. Чунки, аввало, одамларнинг дунёқарашиди, фикрлаш тарзида ўзгариш юз бермаса, бошланган ҳар қандай улғувор ислохотлар ҳам етарлича натижа бериши қийин.

Истиқлол байрами арафасида бир гуруҳ ижодкорлар, илм аҳиллари билан Самарқандга борган эдик. Ўша сафаримиз чоғида кўрган-кечирганларимни, олган таассуротларимни эсласам, ҳалигача кўнглимда ажиб ҳиссиётлар уйғонади. Дунёда донги кетган табарруқ заминда олиб борилаётган бемисл бунёдкорликларни кўрган одамнинг ақли шошади. Хар қадамда қурилиш, ободонлаштириш, кўркамлаштириш ишларига дуч келасиз. Янги қурилган замоннинг бинолар қадимий меъморчилик обидалари билан уйғунлашиб, яхлит, маҳобатли манзара касб этган. Равон йўллар, кўкаламзорлаштирилган майдонлар, кўркам хиёбонлар шаҳар чиройини янаям очиб юборган.

Сир эмас, "рўйи замин сайқали" ўтмишда кўп бор тараққиёт ва таназзулларни бошидан кечирган, ҳалокатли босқинлар жабрини тортган, айниқса, Чингизхон тўдаларининг бу ерда содир этган хунреликларни халигача оғриқ билан ёдга олинади. Аммо Самарқанд ҳар гал афсонавий Қанус қуши мисол харобалар орасидан қайтадан қад ростлаган. Ша-

ҳар соҳибқирон Амир Темур даврида тараққиётнинг юксак чўққисига қўтарилгани ҳам айнаи ҳақиқат. Мирзо Улугбек бобоси бошлаган ишларни давом эттирганини биламиз. Кейинчалик ҳам тарихнинг турли даврларида айрим ҳукмдорлар бу заминда муайян бунёдкорлик тадбирларига қўл уришган. Лекин ана шу қурилишларнинг ҳеч бирини

Самарқандда бугун амалга оширилаётган бунёдкорликлар билан таққослаб бўлмайди. Истиқлол даврида қадимий шаҳар том маънода янги даврга қадам қўйди.

Бу шунчаки йўлигагина айтилган баландларвоз гаплар эмас. Шу кунларда Самарқандга бир бор ташриф буюриб, у ерда юз бераётган бемисл ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрган одам бунга амин бўлади. Бугун Самарқанд нафақат ўзининг ноёб тарихий обидалари билан, балки кўркам замонавий бинолари, обод манзаралари билан ҳам дунёда довруғ қозонапти.

Бундай тароватли манзараларга Ургутда ҳам, Каттақўрғонда ҳам, Пайарикда ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳамма жойда янгиланишлар, ўзгаришлар нафаси сезилади. Ана шу бунёдкорликларнинг қўлимини тасаввурга сиғдириш мушкул.

Сафаримизнинг сўнгги куни Самарқанд қадригага файзийёб обидаларни, унинг тупроғида мангу ором олиб ётган улғурлар қабрларини зийрат қилдик. Шомга яқин Африсийёб тепалиқларига чиқиб, шаҳар манзарасини томоша қилдик.

Уфққа бош қўяётган қўшнинг олтинранг нурларига қўлганиб ётган бу маскан шу кезде жудаям сирли, улғувор қиёфа касб этган эди. Қараб кўзи тўймайди, кишининг. Ана шу паллада самарқандлик ёш олим Юсуф Салимовнинг самимий оҳангда айтган гаплари барчамизнинг эътиборимизни тортди.

— Самарқанд ҳозир буюк ўзгаришлар даврини бошидан кечиряпти, — деди у орага қўққан жимликни бузиб. — Бунча тарихий ҳодисалар ҳар доим ҳам содир бўлавермайди. Бунча даврларни баъзан юзлаб йиллар қутқишга тўри келади. Ким нима деса десин, мен ана шундай замонда яшаётганимдан фахрланаман.

Бундай эътирофни қаршилиқ, нуқуллик ёки андижонлик ҳамюртимиздан эшитсам ҳам сира ажабланмайман. Чунки уларнинг ҳар бири айнаи ҳақиқатини айтган бўлади. Кенгрок маънода айтганда, бутун Ўзбекистон буюк ўзгаришлар даврида яшайпти.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД



Суратда: Оқдарё туманида фойдаланишга топширилган болалар музыка ва санъат мактаби. Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

дик. Бу йилги ҳосилнинг ҳам чўғи ёмон эмас. Эсон-омон йиғиштириб, бозорга чиқарсак, фойдасига ўғлимга машина олиб бермоқчиман.

Нима бўлганда ҳам одамлар яхши яшашни ўрганишарди. Халол меҳнатнинг ортидан бойиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишарди. Қишлоқларда кимдир деҳқончилик билан шуғулланса, яна кимдир фермерликка бел боғлаган, бошқа бирлари эса тadbиркорликнинг бошини тутган. Шу ишларнинг шарофати билан кун сайин турмуш обод бўлиб борапти. Чекка қишлоқларда ҳам бирин-кетин замонавий мактаб ва коллежлар, шифо-

кўп эслайди. Онамнинг мунгли хикояларини бепарво тинглаш қийин. Хар гал ана шу хикояларни тинглаганимда беҳитиёр менинг ҳам кўзларимга ёш келади.

Онам иссиқ нонни синдираётди, нимадир эсиға тушгандек жимлайди.

— Болам, шаҳардан икки қоп бўлка нон олиб келганимиз эсингизми?

Бу гапни эшитиб қўлиб юбордим.

Чўкени мен ҳам шу топда айнан ўша воқеани эслаб турган эдим. Оналарнинг кўнгли сезгир бўлади, дейишарди. Шу топда онам ҳам кўнглимдан нималар кечаётганини пайқандир балки...

Бошланиш биринчи саҳифада.

Масалан, бу лавҳ — таглик, яъни ўқиш вақтида устига китоб очиб қўйиладиган махсус қурсича. У мукамал конструкция асосида бир бўлак ёғочдан, ҳеч қандай олиб ва миксиз ишланган. Бундан шунга аниқлаш мумкин, илм-фан чўққиларини эгаллашда шамчирок вазифасини ўтайдиган китобни аждодларимиз жуда эъзозлаган, шу боис уни ўқиш учун ишлатиладиган курсичага ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Лавҳ уйда, сафарда олиб юришга қулай. Мутлола жараёнида китоб билан кўз орасидаги масофани меъёрда ушлаб туради, кўз тез толиқшининг олдини олади.

Маҳмуд икки, тўрт, олти табақали лавҳларни қўлига олиб, ҳар бирининг ишлатилиш тартибини тушунтира бошладик. Ҳали таънишганимизга кўп вақт бўлмаса-да, самимийлиги, саволларимга эринамасдан жавоб қайтариши устанинг юксак маданиятидан далолат бериб турарди. Дарвоқе, Маҳмуд Назиров билан илк маротаба "Bazar-art" анъанавий кўргазма-ярмаркасида учрашгандик. Ўшанда у ўзи ясаган безакли қўти, аёллар тақинчоқлари солинадиган идиш, лавҳ, курси, расм ёки қўзғу учини нақш қилиб ёғоч ўймакорлиги намуналарини намойиш этиб, нафақат юртдошларимизда, балки хорижий меҳмонларда ҳам наққошлик санъати қизиқчи уйғотган эди.

Ёғоқ дарахтидан махсус ускунада кесиб олинган лаганга безак солиш осон эмас, шекилли, Маҳмуд тез-тез қўлидаги асбобларни алмаштиради. Мен эса ёнда ўтириб бажараётган ишни кузатаман. "Сизга халал бермаганимми?", деб сўраб ҳам қўяман.

— Келинг, нима қилаётганимни яхшироқ англашингиз учун бошидан бошлай қолайлик, — дейди Маҳмуд қўлимсираб. — Демак, ёғоқ дарахтидан айла-

на кесиб олинади. Нима учун айнан ёғоқдан? Чунки, ёғоқ ёғочга қаттиқ, нақш тушириладиганда кўчиб кетмайди. Дастлаб, айланани олти ёки саккизга бўламиз. Бўлақлар сони қанча кўп бўлса, буюмга йўналишдан нақшлар шунча нафислашади. Албатта, қайси бир ҳунармандчилик ишини олмайлик, барини безакларсиз, нақшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Нақшлар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг кўрқига-кўрк қўшиб туради.

Бизда ёғоч ўймакорлиги нақшлари негизига маълум бир рамзий маъно сингдирилади. Ўсимликсимон нақш элементлари — сулсансар осейишталлик ва узоқ умр кўриш тимсоли саналса, печак исмлиги нақш бойлик ва фаровонлиқни, новда ва япроқлар кўринишидаги нақшлар тўқинлик, шу билан бирга, бахорий уйғонини фодо этади. Нақш бирор санъат буюмининг шакли, қандай мақсадда ишлатилишига қараб танланади ва ўзига ҳис-ноилар билан юритилади. Бир-бирига мутаносиблик, уйғунлик, йўсин ва усулларнинг ажойиб тарзда қайта-қайта такрорланиши ёғоч ўймакорлиги санъатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир...

Устаонага ўрта ёшли бир аёл кириб келди-да, хонтахта устига териб қўйилган тақинчоқлар солинадиган бежирим идишчаларни кўздан кечира бошлади. Маҳмуд харидорнинг ёнига бориб, қўтичалар катта-кичиклиги ва безакларига қараб нархланишини айтди. Аёл дўгасининг туғилган кунига соғина олиш ниятида экан. Уста совға танлашида ёрдамлашди, икки-сик бироз савдолашди. Ахир, аёл ўзига ёққан қўтичани олиб, харидидан кўнгли тўлиб, устага қайта-қайта миннатдорлик

УСТА ВА ҚОР ЁҒОУСИ

билдириб кетди. — Ҳозир гувоҳи бўлганингиздек, ясаган буюмларимизни харидорнинг ўзи устахонамизга келиб олади, — дейди Маҳмуд. — Шунинг учун махсулотимизга харидор излаб овора бўлмаймиз, асосий ишимиз — ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланамиз. Устахонамизга хорижий сайёҳлар ва меҳмонлар ҳам келиб туришади. Уларнинг орасида бизнинг ҳунаримизга қизиқадиганлари ҳам бор, соатлаб ёнимизда ўтириб, бажараётган

ўзи қаршимдан чиқиб қолса бўладими? Аппаратини устахонада қолдиргани умуман ҳаёлига келмаган экан. Таксида нутибман, деб ўйлабди. Лекин на ҳайдовчини танийди, на машина рақамини билади. Албатта, қидириб-топиб фотоаппаратини қўлга тутказганимдан у хурсанд бўлди. Энг муҳими, Яоши юртига Ўзбекистондан илк таассуротлар билан қайтди. Кейин мен ясаган сандиқча севгилисига жуда ёқиб қолгани, яна имкон бўлса энди у билан бирга Ўзбекистонга келиши ҳақида хат ёзиб юборди.

— Ёғоч ўймакорлиги хийла мураккаб, устага-устак кўп вақтнинг оладиган хунарга ўхшайди, — дейман атай ўсмоқчилаб. —

Устаонага ёрда ёшли бир аёл кириб келди-да, хонтахта устига териб қўйилган тақинчоқлар солинадиган бежирим идишчаларни кўздан кечира бошлади. Маҳмуд харидорнинг ёнига бориб, қўтичалар катта-кичиклиги ва безакларига қараб нархланишини айтди. Аёл дўгасининг туғилган кунига соғина олиш ниятида экан. Уста совға танлашида ёрдамлашди, икки-сик бироз савдолашди. Ахир, аёл ўзига ёққан қўтичани олиб, харидидан кўнгли тўлиб, устага қайта-қайта миннатдорлик



Яоши иш устидаги ҳар бир ҳаракатини суратла олди. Севган қизига атаб сандиқча харид қилди. Мен унга электрон почта манзилларини бердим. Японияга борганидан кейин сандиқ яхши кўрган қизига нечоғли маъқул бўлганини ёзиб жўнатадиган бўлди. Хайрлашдик. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, бир пайт қарасам, Яошининг фотоаппарати устахонамда қолиб кетибди. Нима қилишим билмай орқасидан югурдим. Кўчада уни излаб юргандим, ўзи қаршимдан чиқиб қолса бўладими? Аппаратини устахонада қолдиргани умуман ҳаёлига келмаган экан. Таксида нутибман, деб ўйлабди. Лекин на ҳайдовчини танийди, на машина рақамини билади. Албатта, қидириб-топиб фотоаппаратини қўлга тутказганимдан у хурсанд бўлди. Энг муҳими, Яоши юртига Ўзбекистондан илк таассуротлар билан қайтди. Кейин мен ясаган сандиқча севгилисига жуда ёқиб қолгани, яна имкон бўлса энди у билан бирга Ўзбекистонга келиши ҳақида хат ёзиб юборди.

— Ёғоч ўймакорлиги хийла мураккаб, устага-устак кўп вақтнинг оладиган хунарга ўхшайди, — дейман атай ўсмоқчилаб. —

Уста Маҳмуд ёнидан чиққанимда борлиқчи оқликка буржаб оппоқ қор ёғарди. Назаримда, бунда устанинг эзгу мақсад ва интилишларига ҳамоханглик бордек эди...

Суюндик МАМИРОВ

ОЛИМНИ ХОТИРЛАБ

Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультетида "Таржимашуносликнинг долзарб муаммолари" мавзусига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар "Инглиз тилишунослиги ва таржима назарияси", "Инглиз тили фонетики ва грамматикаси" кафедралари томонидан ташкил этилган бўлиб, унда атоқли олим Ғайбулла Саломовнинг ўзбек таржимашунослиги ривожига қўшган улкан ҳиссаси, маҳоратли таржимонлар ва таржимашунослар авлодини етиштиришдаги хизмати, мазкур соҳага доир илмий-назарий асарлари ҳақида сўз юритилди. Тадбирда Ф.Саломовнинг шоғирдлари, факультетнинг етакчи профессор-ўқитувчилари олимнинг бетакрор фазилятларини хотирладилар.

АДИБНИНГ ИККИ КИТОБИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида давлат мукофоти лауреати, ёзувчи Омон Мухторнинг "Шарқ" нашриёт-матбаа компанияси бош таҳририяти томонидан chop этилган икки жилдли "Шаршара" ва "Сувратдаги йўлбарс" китоблари тақдими бўлди. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, адиб ва шоирлар Асад Дилмурод, Қозоқбой Йўлдош, Шукр Қурбон ва бошқа ижодкорлар сўзга чиқиб, Омон Мухторнинг янги китоблари мавзуси, адиб асарларининг ҳозирги адабий жараёндаги ўрни хусусида фикр юритдилар.

Анжуман сўнггида адиб мухлисларнинг саволларига жавоб берди ва янги шеърларидан намуналар ўқиди. Хонанда Рустам Абдуллаев ва бошқа санъаткорлар Омон Мухтор шеърлари билан айtilладиган қўшиқлардан ижро этиб, тақдирот маросимига файз бағишладилар.

Умида ТЕСАБОВЕВА

ФИКРЛАР ПАРВОЗИ

Бу йил Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил этилганига роппа-роса ўн беш тўлди. Шу муносабат билан марказий намойишлар залида "Фикрлар парвози" деб номланган академик расомларнинг кўргазмаси ташкил этилди. Унда таниқли расомлар, соҳа мутахассислари билан бир қаторда ёш ижодкорлар, санъат ихлосмандлари ҳам иштирок этди.

— 1997 йили Президентимиз фармони билан Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил этилиши мамлакатимиз маънавий-маданий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди, — деди Бадий академия раиси Акмал Нуриддинов. — Ўтган йиллар ичида қўлидаг халқаро ва республика миқёсидаги кўргазмалар, нуфузли санъат анжуманлари ташкил этилди. Бу расомларимиз ижодини тарғиб қилиш учун кенг имкониятлар очили билан бирга ёшлар ижодини қўллаб-қувватлаш, тасвирий, амалий-безак, дизайн санъати йўналишларидаги халқаро маданий алоқаларнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Тадбир давомида томошабинлар эътиборига Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Владимир Бурмакин, Собир Раҳметов, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков каби халқ расомларининг сара асарлари тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз.

Табиики, қалам аҳли деганда наинки шоир ўзвчилар, балки улар қаламига мансуб асарларнинг мазмун-моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини китобхон халқига мизга тегди. Зеро, юртимиз истиқлолга эришган, бошқа барча ижтимоий фанлар қатори адабиётшуносликда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари юз берди. Мустақиллик илму адаб аҳлига, биринчидан, тафаккур ҳуралини, иккинчидан, ижод эркинлигини, учинчидан, муносабат мустақиллигини инъом этди. Энг муҳими, юртимизда неча минг йиллар мобайнида яратилган ва истиқлолдан руҳ олган ҳолда яратилган жамияти адабий-эстетик бойликларга, адабий жараёнларга ҳолис нуқтан назар билан қараш ва баҳо бериш имконияти пайдо бўлди.

Натижада бугунги кунда адабиётшуносларимиз нафақат ўзбек, балки жаҳон эстетик илми ютуқларини ҳам ижодий ўзлаштириш, бу борада ўз сўзини айтиш йўлида тинимсиз изланмоқдалар. Таниқли олим, ҳассос публицист, моҳир таржумон ва мураббй Иброҳим Гафуров ана шундай адабиётшуносларимиз сафига саркорлик қилиб келаётган соҳиб қаламлардан.

Иброҳим Гафуровнинг биринчи китоби – “Гўзалликнинг олмос қирралари” 1963 йили нашр этилган. Шундан кейинги даврда “Унутилмаган бог. Усмон Носир”, “Она юрт куйчиси. Миртемир”, “Жозоба”, “Ёнар сўз”, “Ям-яшил дарахт”, “Ўртоқ шoir. Мақсуд Шайхонда лирикаси”, “Юрак – алаңга”, “Прозанинг изхори”, “Лириканинг юраги”, “Шеърят – изланиш демекдир”, “Ўттиз йилнинг изхори”, “Илтижо” каби ўнлаб китоблари чоп этилди.

Бу китобларнинг айримларида мумтоз адабиётимизда одаимийлик ва умуминсоний қадриятларнинг акс этиши чуқур тадқиқ этилган бўлса, бошқа бирларида адабий авлодларнинг майдонга кириб келиши, адабиётдан мустаҳкам ўрин олиши ҳақида мушоҳада юритилади. Барча ўринларда адабиётшунос сўз санъати йўлидаги изланишлар, таҳрирларнинг – ижод шавқининг тақдирланмас хусусиятларини очиб бериб, атоқли адибларимизга хос характерли қирраларнинг шаклланиши устида қизқарли кузатишлар қилганига гувоҳ бўламиз.

Таниқли адабиётшунос салкам эллик йилдан бери ўзбек адабиёти жараёнларини теран таҳлил, тадқиқ ва талқин этиб келди. Бадииятда ҳаққонийлик ва инсонийлик, адолат ва миллий ўзига хослик, илмийлик ва ҳолислик принципларининг намоён бўлиши ҳолатларини кузатади.

Айниқса, кейинги йилларида Иброҳим Гафуров истиқлол майдонига ва маънавияти, эркинлик ва ахлоқ, янги ақл инсонийлик мезонларининг шаклланиши, онгу шуурнинг уйғониши сингари нозик ва нафис мавзуларни Юртбошимиз илгари сураётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий ғояларга таянган ҳолда ёритиш борасида астойдил қалам тебратиб келмоқда. Жумладан, унинг 1998 йилда нашрдан чиққан “Дил эркинлиги” номи мансуралар, бадиалар ва ҳикоялар тўплами, шунингдек, “Ҳаё – халоскор” ва “Мангу латофат” китоблари элимизга манзур бўлди.

Таржима – маърифат кўнгириги, дейди таниқли мутаржимлардан бири. Ростдан ҳам, таржиманинг маърифат тарқатиш борасидаги аҳамияти беқиёс. Таржима, аввало, турли тилда сўзлашувчи халқларни яқинлаштиришга, бир-бириндан ўрганишга, уларнинг дўст ва ҳамкорлигига хизмат қилади. Таржима натижасида бошқа тил ёки тилларда аслият билан тенг мазмун-моҳиятга эга бўлган матнлар юзага келади. Таржима орқали умуминсоний қадриятлар кенг ва чуқур томир отади, инсоният янги тараққиёт поғоналаридан дадил юқсалиб боради. Таржима орқали халқлар ўртасида яхши ният, ақл-идрок, тинчлик, ўзаро тушуниш устувор бўлади.

Айниқса, мустақиллик йилларида таржиманинг аҳамияти ошди. Зеро, шу пайтгача ўзбек тилидан дунёнинг бошқа тилларига, шунингдек, хорижий тиллардан она тилимизга таржима қилиш жараёнлари асосан воситачи – рус тили орқали

ли амалга ошириб келинарди. Истиқлол эса аслиятдан тўғридан-тўғри таржима жараёнлари учун ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий-маърифий, ҳам ташкилий асосларни яратиб берди.

Иброҳим Гафуров жонинг адабиётининг кўплаб нодир асарлари, хусусан, Э.Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” қиссаси ҳамда “Алвидо, қурол” романини, Г.Маркеснинг “Бўзруқнинг қизи”, Ж.Жойснинг “Улисс”, Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо”, “Телба”, “Қиморбоз”, Нозим Ҳикматнинг “Сурур” романларини ўзбек тилига таржима қилди. Шу жумладан, Чингиз Айтматов қаламига мансуб “Қиёмат” (“Қунда”), “Қулаётган тоғлар” романлари ва “Чингизхоннинг оқ булут” қиссаси унинг таржимасида миллий адабиётимиз хазинаси

Қабул ва қиёфа

нидан хинд фалсафасининг машҳур “Санхия” ҳамда “Патанжалла” асарларининг араб тилига, улар шoir Сайфи Саройи томонидан буюқ форс шоири Саъдийнинг “Ғулистон” асарининг туркий тилга таржима қилиниши каби кўплаб манбалар воситасида “таржима концепцияси ва стратегияси” хусусида атрофлича тўхталади.

Таржиманинг нечта ва қандай турлари бор? Таржима, таржимон ва таржимашунослик ҳақида сўз борар экан, албатта, шундай саволнинг туғилиши ва унга асосли жавоб изланиши табиийдир. И.Гафуров ёзган кўлланмада таржиманинг ўн та тури, яъни адекват таржима, эркин таржима, эркин-ижодий таржима, сўзма-сўз таржима, маънолар таржимаси, оғзаки синхрон таржима, синхрон таржима, техника (машина орқали) таржима, аслиятдан таржима, воситали таржима хусусида қисқа, аниқ ва асосли таъриф ҳамда тушунчалар беришганини ўқиб ҳам ҳавасингиз келади, ҳам ҳайратингиз ошади.

Таржима санъати ва таржимонлик маҳорати, аслиятга яқинлик, таржимада аниқлаштириш ва ноёб сўзларни қўллаш, мақоллар, маталлар, образли иборалар таржимасида мослик, таржимада тасаввур ва фантазия, таржимада индивидуаллик, таржима ва жумла, талқин ва таъсир, таржима диалектикаси каби қизқарли мавзулар ҳақида фикр-мунозара юритар экан, олимнинг позицияси қатъий ва аниқ: “Талантсиз ҳеч бир ижод бўлмаганидек, талантсиз таржимон ҳам юзага чиқмайди”, дейди у.

И.Гафуров “Ҳамлет”, “Фауст”, “Борис Годунов”, “Уруш ва тинчлик”, “Ревизор”, “Олтин буюк”, “Ҳайвонот” каби жаҳон адабиёти дурдона асарларининг атоқли таржимонлари ижод эришган беназир ютуқларни китобхонга фахр-ифтихор билан қўз-қўз қилса, йўл қўйилган хато-камчиликларни ҳам очиб ва ҳаққоний танқид татиға олади. Зеро, унинг мақсади ҳолис – у ўз ўқувчиси таржимачилик соҳасида мавжуд тажрибани ҳар томонлама пухта ўрганишини, буюқ ижодкор-таржимонларнинг ютуқлари қатори нуқсонларидан ҳам сабоқ олишини истайди.

Узоқ йиллар давомида таржимонлик машаққатини чеккан фидойи ижодкор ва олим қаламига мансуб дарслик ва ўқув кўлланмалар, китоб ва мақолалар таланти таржимон ўз билим ва тажрибаси чегараларини таржима амалиётида таржима назариясига, назариядан эса таржима ва таржимонлик педагогикаси томон нечоғли муваффақият билан кенгайтирганини яққол кўрсатиб турибди.

Иброҳим Гафуровнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Президентимиз фармонларига мувофиқ, 1995 йилда “Дўстлик” ва 2007 йилда “Меҳнат шухрати” орденлари билан мукофотланган.

Қариб эллик йилдан буюқ онгли ҳаётини адабиётимиз ривожига, умуман, жамиятимиз рағнақига бағишлаган истеъдодли адиб ва адабиётшунос олим, моҳир таржимон ва таржимашунос Иброҳим Гафуров кутлуг ёшда ўз олдида катта вазифа режалар қўйиб, бу эзгу ниятларини рўбга чиқариш учун етмиш беш йилтининг шавқи ва ғайрати билан ижод қилаётир.

Акмал САИДОВ,
профессор

Ҳар бир миллат маънавий қиёфасини унинг истеъдодли зиёлилари белгилайди. Уларнинг миллий тараққиётга қай даражада хизмат кўрсатиши истеъдоди табии ва шуғулланётган соҳасидаги лаёқати билан боғлиқ. Баъзилари муайян бир соҳанинг етук вақили бўлса, айримлари илму ижоднинг бир неча турига ўзини бахшида этади. Ана шундай том маънодаги зиёли, миллий тараққиётга хизмат қилишни ўзининг барча юмушларидан устун қўйганлардан бири табиб ва адиб Боситхон Зоҳидхон ўғли Шоший (1877 — 1959) эди.



ТАБИБ ВА АДИБ

Бу олимнинг табобатга алоқадор китоблари “Қонун ал-Мабсуд” (2003) номи билан чоп этилган, “Тиббий истилохлар лугати” (2004) ва дори-

лардан фойдаланиш усулларига оид махсус кўлланмаси ҳам бу соҳадаги фаолиятининг давоми саналади (жами табобатга оид асарлари сони 43 та). Булардан ташқари “Амали ҳандаса” (“Геометрия амаллари”), “Фавоид ул-муслимин” (“Муслмонларга фойдали маслаҳатлар”), “Манбаъ ул-маориф” (“Маърифат манбалари”), “Ҳақойиқ ул-асрор” (“Сирлар ҳақиқати”), “Мисбоҳ ул-анвор” (“Нурлар чироғи”) сингари турли соҳаларга оид рисола-лар ҳам битганини тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний қайд этади.

Боситхон Шошийнинг “Девони Ҳақийрий” (“Фан ва технология” нашриёти) номили шеърлар мажмуаси ҳам чоп этилган бўлиб, унда олим ва шоирнинг ғазал, мухаммас, таърих ва бошқа мумтоз жанрларда ёзган юзга яқин асари жамланган. Муаллиф ўзини шеърятга дохил деб билимаганидан уни чоп қилишга шошилмаган кўринади. Мазкур тўплами нашрга тайёрлаб, сўзбоши ва изоҳлар билан таъминлаб, нашр эттирган Маҳмуд Ҳасаний бу китоб 1917 йилда тартиб берилганини аниқлаган. Демак, салкам юз йил бурун ёзилган шеърлар баёзи низоҳат бизнинг давримизга келиб чоп этилди.

Тўплам гарчи “Девон” деб номланган бўлса-да, баёз тарзда тартибланган. Афтидан, муаллиф девон тузишни ният қилгану бироқ бунга ўзини лойиқ деб билмагани учунми, ишни охирига етказмаган. Натижада китобдаги кетма-кетлик бўйича ғазал, мураббаъ, мухаммас, муашшар ва таърихларни ўқийми. Шунингдек, тўпланда ўрни билан ҳамду наътлар ҳам учрайди. Тўпландан хай олган йигирмадан ортқ ғазалнинг аксарияти дунёвий мавзуда. Мана шундай ғазаллардан бирининг мактаъ (сўнгги байти):

Югурма, эй Ҳақийрий, ҳажрида
ҳар ёнға сабр эттил,
Вале топшур қўлига ҳасратингни
бир китоб айлаб.

Маълумки, мухаммас шеърини шакли фақат тахмислар боғлаш учун эмас, балки айрим воқеалар баёни, ўз даврига муносабат, ижтимоий масалалар талқини кабиларни ҳам акс эттиришга қурбл эканини мумтоз шеърятнинг Алишер Навоий, Оғаҳий, Муқимий сингари устозлари англатишган. Бироқ ғазал ва қасида шаклида бир неча воқеаларни кенг ифодалаш у қадар чуқур илдиш отмаган. Шу жиҳатдан тўпландаги “Ашъори миллийи Ҳақийрий ба фасоди олам ва одам” (“Ҳақийрининг олам ва одамнинг бузилиши ҳақидаги миллий шеърлари”) деб номланган асарга эътибор қаратамиз. Аввало, муаллиф бунчи бир мустақил асар (410 мисра) деб эмас, балки “шеърлар” (“ашъор”) деб атайди. Шеърларнинг қояфия ва вазн тизими ҳам бун асослайди (лекин нашрга тайёрловчи уни бир шеър сифатида тавсия этган). Шунинг учун асарни бир шеър деб эмас, балки туркум шеърлар,

Дастлабки шеър шу каби баёни ҳолат тасвири билан боғланади, иккинчи шеърда ачинаши ҳисси кучли:

Афсус миллат иззати барбод бўлди, вой,
Фиску фасод олами бунёд бўлди, вой.

Ниҳоят, ҳулосада шундай дейилади:

Гар бўлса бул тариқала аҳволи халқлар,
Андак замонда миллати гортдан ўзга йўқ.

Ҳақийрий Шоший ҳам ўзига замондош бўлган маърифатпарвар адиблар сингари “миллат гортати”нинг сабабини жаҳолатдан деб билади ва миллат вақилларини маърифатли қилиш ҳар бир зиёлининг бурчи эканини таъкидлайди. Зеро уйқудагиларни уйғотиш уйқоқларнинг вазифасидир:

Миллат мисоли жисму бу миллатини жоним,
Миллат бир жазиро обиравони илм.
Миллат чу бир мадинаю илм анга қалъадур,
Миллат чу баҳру лаъли бадахшони илм.

Ҳақийрий тўпламининг бошқа шеърини мажмуалардан фарқли жиҳати шундаки, ундаги ҳар бир шеър мазмунга мос равишда сарлавҳаланган. Муаллиф мумтоз аънанга кўра сарлавҳаларни араб ва форсий жумлаларда берган. Булардан ташқари, бир неча ғазалларига радиёф орқали сарлавҳа қўйган, мухаммас ва мураббаъларни жанр номи билан атаган. Бир неча мухаммаслари шоир Ғурбатий Туркистоний ғазалларига боғланган. Бу шoir ҳақида муаллиф ҳеч қандай маълумот бермайдиган, фақат мухаммас мазмунидан унинг хорижда, ғурбат (тахаллусга эътибор беринг) ва ватан соғинчи билан яшагани, Ҳақийрий билан алоқада бўлгани англанилади.

Тўплам сўнгига бир неча таърихлар бериладики, улар орқали асарлар бағишланган шахслар ва ёзилли саналари маълум бўлади. Шулардан Қобилжон ибн Божикон, Ҳожи Бемалол лақабли Эшонхон ҳожи, Мулла Аҳмаджон ибн Муҳаммаджон сингари ўз замонасининг зиёлилари ҳақида ушбу таърихлар воситасида ҳабаб топамиз. Тўплам бошида унинг 1917 йилда тартиб берилгани айтилган. Унга киритилган таърихларнинг сўнггиси 1926 йилда битилганини қўриб, айти тўплам янги асарлар ҳисобида қарийб ўн йил давомида бойитиб борилгани ҳам маълум бўлади.

Хуллас, тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний томонидан нашрга тайёрлаб, чоп этилган Ҳақийрий Шошийнинг “Девони Ҳақийрий” китоби ўзбек зиёлилари табиб сифатида таниш бўлган Боситхон ибн Зоҳидхон домланинг шеърини истеъдод ва адабий салоҳиятидан дарак берувчи манба сифатида қадрлидир.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ,
профессор

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 48-сонида филология фанлари доктори, профессор Охунжон Сафаровнинг “Қош қўяман деб ёхуд ноҳуя тахрирлар оқибати хусусида” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Мақолани “Ўқиб таниқли шоир Тилак Жўранинг “Сайланма”сидаги сакталикларга эътибор қаратилганидан қувондим. Китобда “Тўплаб нашрга тайёрловчилар” сифатида менинг ва Ориф Жўраевнинг номларимиз қайд этилган. Мақола муаллифи “Сайланма”нинг айнан ушбу тартибда чоп этилганидан ҳатто мен ҳам беҳабарлигимни, биз тайёрлаган нусха бутунлай бошқа эканлигини билмаган, албатта.

Ушбу мақоладан кўриниб турганидек, адабиёт муҳиблари ҳам тузувчилар борасида чалғимасликлари учун мухтасар изоҳга зарурат сезилмоқда. Гарчи изоҳлаган билан аллақачон чоп этилган “Сайланма” биз тартиб берган шаклга келиб қолмайдиган, уни қайта чоп этган маъқулроқ.

Тилак Жўра биз учун нафақат севимли, қилбар шоир, балки ҳам ака, ҳам устоз эди. Унинг ҳар бир янги шеъри, таржимаси ўзи учун қанчалик байрам бўлса, бу шодлик ва завқдан биз ҳам баҳраманд бўлардик. Тилак ака оламдан ўтган, “Сайланма”сини чиқариш хусусида устозлар, дўстлар даврасида маслаҳатлар

бўлди. Хуллас, биз тайёрлаган “Сайланма”га бир йилда тартиб берилган йўқ. Тилак Жўранинг нашр этилган китобларидан ташқари, газет-журналларда чоп қилинган, дўстлари ва шогирдлари қўлида қолиб кетган шеърлари, мақолалари, хатлари, у ҳақда ёзилган мақолалар, суратларни тўпладик. Баъзи шеърларнинг вариантлари, битмай қолган асарлари келажак учун олиб қўйилиб, 522

БИЗ ТАЙЁРЛАГАН «САЙЛАНМА» БОШҚА ("Қош қўяман деб...", "ЎзАС", 2012 йил, 48-сон.)

бетли “Сайланма”га тартиб берилди. 1 — 297-бетлардан шоирнинг “Райҳон”, “Олам остонаси”, “Юлдузлар табассуми”, “Чорраҳадаги уй”, “Сандувоч”, “Рухият” китобларидан сайланган шеърлар жой олди, 298 — 371-бетлардаги “Китобларга кирмаган шеърлар” деб номланган бўлимига эса 100 га яқин шеър киритилди. 372 — 436-бетлардан ўрин олган “Таржималар” қисмига И. Юсупов, М. Шерали, М.Маргарян, Н.Ҳикмат, Ф.Х.Догларжа, Т.Фикрат, Ш.Бодлер, Р. Десно, В. Гюго, Г.Аполлинер, У.М.Арибурну, О.Вайсал, Қ.Ўзан, Ж.С.Таранжи, С.К.Оқсол, Ж.Эргаш, У.Я.Ўғизжон, М.Элўғли, Б.Р.Айюб ўғли каби

шоирлар ижодидан таржима қилинган 100 дан ортқ шеър жамланди. 437 — 518-бетларга жо бўлган “Хотиралар” бобида Ғайбуллоҳ ас-Салом, Н.Комиллов, Ж.Қамол, М.Жалил, М.Юсуф, Н.Муҳаммад, М.Кенжабек, С.Сайид, И.Шабек, С.Бухорий, А.Шер, Б.Дўстқоров, М.Аъзам, Р.Мурсурмон, Ф.Қурбон, М.Пирриев ва А.Яхшиевнинг Тилак Жўра ҳақидаги мақолалари, эсдаликлари киритилди.

Хар бир шеър вариантлари билан сатрма-сатр солиштириб чиқилди, бирор шеър тахрир қилингани йўқ. Зеро, Тилак Жўра бунга муҳтож эмаслиги маълум. Шуни ҳам айтишим лозимки, О.Сафаров мақоласи охирида “Сайланма”га қўшишни тақлиф қилган шеър таржималар ҳам биз тайёрлаган кўлэзмага киритилган эди. Кўлэзма босмаҳонага топширишга тайёр ҳолда саҳифаланди, муқова ҳам ишланди ва электрон ҳамда қоғоз нусхаси 2007 йилнинг май ойида нашриёт мутасаддилари белгиланган кишига топширилди. Шундан сўнг ҳомий излашга киришилди. Бир ярим йиллик уринишлар бесамар кет-

гач, “Сайланма”нинг тақдири вақтин ҳуқмига топширилди... Ва кутилмаганда, орадан йиллар ўтиб О.Сафаровнинг куйинчақлик билан ёзган мақоласига сабаб бўлган “Сайланма” пайдо бўлди. Афтидан, нашриётдаги Тилак Жўранинг ҳурмати ва хотири учун китобни ўз ҳисобларидан чоп этишга қарор қилишган. Аммо бу биз тайёрлаган эмас, бошқатдан тайёрланган “Сайланма” бўлиб чиқди.

Энди биз тайёрлаган нусха қаерда, қандай қилиб “Хушхабар” тўплами бу китобга кириб қолган, деган саволлар туғилиши табиий. Чоп этилган “Сайланма”га нашриёт томонидан муҳаррирлик қилган шоир Шукур Қурбондан бу ҳақда сўрадим. Шукур ака бизнинг нусхамиздан бутунлай беҳабар эканини, у кишига саҳифаланмаган, аммо компьютерда тегирилган шеърларни беришганини, уларнинг бир қисми “Хушхабар” тўплами бўлганини, лекин унинг мундариҳи йўқлиги сабабли Т.Жўранинг таржималари деб ўйлаганини айтди. Чоп этишдан олдин нашрга тайёрловчи сифатида менга бир ўқитиб олма-

ганликларидан афсусланди. Биз тайёрлаган “Сайланма”нинг электрон нусхасини эса сақлаб қўйганмиз. Мақолага қайтадиган бўлса, китобдаги “Бир наво оқиди...” деб бошланувчи шеърга қимдир уч сатр қўшгани, “Қуз ҳаёллари” шеърда 1,2 рақамлари ва иккита тўртлиқ ўртасидаги ажратувчи юлдузча тушиб қолганини, учта шеър тақрирланганини, “Хушхабар”нинг китобга янглиш киритилганини ҳурматли олимимиз тузувчилар гўё атайлаб қилинган, дея ҳукм чиқаргани мени ҳайратланттирди. Мақоладаги: “...масъулият билан ёндоша олмаганликларни боис”, “Нашрга тайёрловчилар...” унинг сўнгги сатридан воз кечиш ниятида...уч сатрни тўқиб қўшганлар”, “нашрга тайёрловчилар...” уларни бир-бирига қўшиб чатиб бир асардай эълон қилишган”, “Тузувчилар китобнинг ҳажман салмоқдор бўлишини исташган, шекилли, айрим шеърларни икки мартадан беришни лозим қўришган”, “таржималар сочилиб кетган ва бу ҳол тузувчиларга панд берган”, “Тузувчилар кўплаб таржимонларнинг муаллифлик ҳуқуқини назар-писанд қилмай...”, “тузувчилар “Сайланма”ни ҳажман тўлдирмоқчи эканлар...” каби таъкидлардан ҳам мудоао нималигини англай олмадим.

Холбуки, ўзбек фольклоршунослиги,

муסיқашунослиги, болалар адабиёти ва Бухоро адабий муҳитининг тадқиқотчиси сифатида ўнлаб китоблар чиқарган, адабиёт илмидан, жумладан, мақола ёзиш адабидан ҳам юзлаб, минглаб шогирдларга сабоқ бериб келаятган таниқли олимимиз тузувчиларнинг вазифасига нима қизиучи, китоб тайёрлаш қандай жараёнлардан иборат эканлигини яхши билишларига имоним қомил.

Хар қандай кўлэзманинг нашириётда ички ва ташқи тақриз қилинишини, бу тақрирлар билан кўлэзма муҳаррирга топширилишини, муҳаррир кўлэзманинг ғоявий-бадиий савияси ҳақида ўзининг қабул ҳулосасини ёзишини ва шулар асосида тахрир, қўшиш ёки қисқартириш ишларини муаллиф ёхуд тузувчи билан биргаликда амалга оширишини, корректураси аслият билан солиштирилиб қайта-қайта ўқилишини, бу жараёнларда хар қандай хато ва тақрирлар бартараф этилиши лозимлигини, китобни чоп этишга беришдан олдин бош муҳаррир, нашриёт муҳаррири, муаллиф ёки тузувчилар тасдиқлаб имзо қўйишларини эсламаганликларни галати. Шунга қарамай, О.Сафаров “Сайланма”ни бекаму кўст қўриш ниятида қўлга қалам олган, деб ўйлайман.

Азиз САИД

Охунжон ҲАКИМ, Ўзбекистон халқ шоири

ОЛАМ ОДАМ БИЛАН ОБОД



ЎЗБЕКИСТОН ДЕРЛАР...

Бу дунёда бир-биринан кўркам юрт кўп,
Гўзалликда мисли боғи Эрам юрт кўп,
Вале улар орасида бир диёр бор,
Қадамлари, шидатлари мардонавор,
Бу кун унинг номин билар борлиқ жаҳон,
Ўзбекистон дерлар уни, Ўзбекистон!

Минг йилларки, яхшиликдан сўзлар бу эл,
Минг йилларки, тинмайин дўст излар бу эл,
Фазилати дунёларга ибрат бўлди,
Олис-олис манзилларни кўзлар бу эл.
Чўлу саҳро, тоғу тошин этган бўстон,
Ўзбекистон дерлар уни, Ўзбекистон!

Қалби каби мусофодир осмонлари,
Юксакларга ўрлар илму урфонлари,
Саодатин хурриятдан тоғди бу эл,
Ушалоқда орзулари, армонлари.
Келди бу кун унинг учун хуррам замон,
Гуркирагай Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Олам аро иймони бут шу эл эрур,
Ҳаёлида барака-қут шу эл эрур,
Боболарин номин асраб дил тубида,
Минг-минг йиллар қилмас унут шу эл эрур!
Шул боисдан номи минг бир тилда дoston,
Ўзбекистон дерлар уни, Ўзбекистон!

Олам билар, «алжабр» ҳам унинг сўзи,
Форобий ҳам, Синолар ҳам унинг ўзи
Олам одам билан обод, деб яшар у,
«Кўлни бер!» — деб, дунёларга кўлни чўзиб!
Дилида ҳам, тилида ҳам «Дориломон»,
Ўзбекистон дерлар уни, Ўзбекистон!

ХАЛҚ

Умримиз ўтмади кўча чангитиб,
Елларга бермадик йилларимизни.
Чунки шу юрт бизга «Алифбо» тутиб,
Идрок-ла ёритди йўлларимизни.

Шу юрт сизу бизни кўздан қочирмас,
Чакки қадам боссак, кўяди ростлаб.
Фақат элбузарни бу юрт кечирмас,
Ўлсак, дафн этар шу эл эъзолаб...

Бу эл инсоф тилар ёвларига ҳам,
Душманин дўстликка ундайди ўзбек.
Қирқтага бўлади бир майизни ҳам,
Қадим-қадимлардан шундайди ўзбек!

Бу шундай халқлири, минг-минг ҳикмат бор
Айтган сўзларининг замирида,

Шермурод СУБҲОН

БОҒЛОВЧИ СЎЗЛАР

кўзла севги
севгида эрк бор
ватанда-чи
жон ва тан

айро эдик биз гўё
11рақами
боғламинг тақдир бутун
мисоли 8

таъқиб этади изим
вақтнинг қадами
мисли айдоқчи


сен кетдинг
шеш келди
хайр, алайдо!

қор ёғмоқчи
учқунламоқчи
қор каби фикр

қун ботган сари
гўзаллаша борасан сен
юрагимда тонглар оттириб

боғловчи сўзлар-ки
боғласа бизни
айирмаса ҳеч

гонг-ла тонгга етамиз
гунда-чи?
буниси қоронгу



инонки,
юрак гўё
меники эмас-да, сеники

сукут...
гаплашамиз энди биз
кўзлар тилида

унутма, ёдингда тут
биримиз икки бўлмас
иккимиз бир бўлмагунча

қойил сенга, эй ойна, қойил
беминнатдир суврат чизмоғинг
моҳирона ўчирмоғинг ҳам

тўп отади зулумотга тонг
соя бўлиб тўкилади тун

кетилингни кутмаган эдим
қайтилингни кутганим кутган

ўйин билдинг севгини: қуваламачоқ
ўйин билдинг: топмачоқ

висол нима билмадинг
фироқ нима билмагунча

кимдир тонгни уйғотар
уйғотар кимларнидир тонг

келишинг-ку бир эҳтимол
кетилингни бунчалар шарт

излаганинг менмидим фироқ
тошганинг менми?!

юришинг гоздир сенинг
туришинг — Эйфел минораси

севги гуноҳим
гувоҳим юрак

яхши кўрмоқчи-ку билардим
ёмон кўрмоқчи ўргандим

ҳамма шоир эмас
шоир ҳаммадир

вақтга дедим: — «йўл бўлсин»
деди: — «борса қайтмасга»

туш деб қўйдинг севига исм

бой бермайсан сир сира

сен ва ман — севаман

юрак гўё ёш бола

Киш кунларининг бирида спортчи талабалар машғулотларини тугатиб, залдан чиқиб кетишгаётганида Абдужалил бош кийимини кия туриб, бехосдан ёнидаги Шероз исмли йигитни туртиб юборди. Сўнг дарров кечирим сўради.

— Кўзингга қараб юрсанг бўлмайdimи, кишлоқи! — деди Шероз унга ўқрайиб.

— Нима? — Абдужалилнинг қони гупириб кетди. — Эй, ким бўлсанг ҳам оғзингга қараб гапир! Узр сўрадим-ку, ахир.

— Узрингга тупурдим!

Қони қайнаб турган Абдужалил шарт ўгирилиб, Шерознинг нақ икки кўкраги орасига мушт туширган эди, у икки-уч қадам орқага тисарилиб кетди. Шу вақт Абдужалилни ёнидагилар ушлаб қолишди. Боши айланиб, букчайиб туриб-туриб, ўзини ўнглаб олган Шероз унга ташланмоқчи эди, курсдошлари қўйишмади.

— Кимга кўл кўтарганингни биласанми? — ингранди Шероз. — Сен билан ҳали бошқача гаплашаман!

— Хоҳлаган вақтингда гаплашавераман! — деди Абдужалил ҳам.

Шероз эрка ўғил эди. У «Ўзим хон — кўланкам майдон!», дейдиганлардан эди, бироқ бугун «Ласетти»-сини ўзи ҳайдаб кетолмади. Қолганларнинг эса бирдан Абдужалилга эътибори ўзгарди.

— Фирт тентак экансиз-ку, — деди курсдошларининг бири. — Унинг отаси кимлигини биласизми?

— Отаси билан нима ишим бор? — деди қони қайнаб турган Абдужалил. — Спортчи отасига эмас, ўзига ишонмайdimи?!

— Лекин сенга қойил қолдик! — деди яна бошқа курсдоши.

Залдан то талабалар турар жойига етгунча улар Шероз ҳақида гаплашиб келишди. Эшик олдида эса сўрашди:

— Икки соатдан кейин ўнта болани эргаштириб, «Жалил тентак, бу ёққа чик!», деб келса, нима қиласиз?

— Бир ўзим чиқаман! — деди у. Кейин уларнинг «Жалил тентак»-деганига қишлоқдаги лақаби эсига тушиб қулиб қўйди. — Кўрқадиган жойим йўқ!

Талабалар унга қараб-қараб, ўз хоналарига бурилиб кетишди. Ўша кунни Абдужалил кейинги «жанг»га, қолганлар «текин томоша»га тайёр эдилар, бироқ аламзада Шероздан дарак бўлмади.

«Ота... — деди ўша кунни ярим кечагача ўйқуси келмай шифтга тикилиб, ҳаёл суриб ётган Абдужалил ўзига-ўзи, — ўғлим, эркак киши учун ҳаётда энг қийини оريات, дегандингиз. Рост экан. Бугун мен орият талашиб, бир иш қилдим, аммо афсусда эмасман! Ўзингиз айтгандек, лафзим ҳалол, сўзим тўғри, гурурим баланд! Ўзимни бировга хўрлатиб қўймайман!»

Абдужалил Панжи чўпоннинг тўнғич ўғли. Баланд бўйли, қорачадан келган, елкалари кенг, икки қоши орасида нўхатдек тугунчаси бор. Синфдошлари «Айик», деб лақаб қўйишган. Шунчалар гавдалики, ёнбош бўлиб ухлаганда гўё уй ўртасига катта бир кунда ётқизиб қўйилгандек туюлади. Ҳар тонг тоғ томонга қараб югурар, шу югурганича этакдаги чўққига чиқиб машқ қила-қила қишлоққа назар соларди. Илон изи асфалт йўл, бўйчан чинорлар, бўлоқлардан ҳосил бўлувчи дарё ва уйғонаётган фараҳбахш кунни бошлаётган одамлар...

У вақти келиб, шу тоғлар орасидаги қишлоқнинг фаҳрига айланмиши истар, бунинг учун машқ қилишдан, ҳар тонг югуриб, ўша чўққига чиқибдан чарчамайди. Айрим «тили суяксиз» қишлоқдошлари «Чўпоннинг боласи чўққига югуриб чиққани билан бургут бўлармиди?», дейишар, Абдужалил эса унга паст назар билан қараганларга «Ҳали кўприк устида гаплашамиз!» деб қўяр, аммо нега бундай деярётганини биров тушунса, биров тушунмай, «Иссиқда отаси билан кўйининг изидан юравериб, мияси айнаибди, шекилли», дейишарди.

Абдужалил билимли эди, аммо кимдир ўзини баланд тутса, бошқаларга беписандлик қилса, жим қараб турмасди.

Бўлди қил! — дерди аввалига. Бу гап қор қилмаса, кейин муштга ўтарди... Шу сабаб болалар унга лақаб қўйиб олишган. Абдужалил тўйларда кураш ҳам турар, тенгқурларини қоқ ернинг кўзига кўтариб урарди. Шунинг учунми, қишлоқ одамлари тўйларга четдан полвонлар келишса, даврага энг биринчи Абдужалилни чикаришар, у жон-жаҳди билан курашиб, қишлоқнинг ориятини сақлаб қолар, ўзга полвонлардан йиқилишни ўлим билан тенг биларди... Унинг бундай жасоратидан қувонганлар вақти келиб, ундан катта полвон чиқишига умид боғлар, айримлар эса ўша ерда ҳам «Чўпоннинг боласи полвон бўлганда ҳам қаергача борарди», дейишарди.

ри «Чўпоннинг боласи чўққига югуриб чиққани билан бургут бўлармиди?», дейишар, Абдужалил эса унга паст назар билан қараганларга «Ҳали кўприк устида гаплашамиз!» деб қўяр, аммо нега бундай деярётганини биров тушунса, биров тушунмай, «Иссиқда отаси билан кўйининг изидан юравериб, мияси айнаибди, шекилли», дейишарди.

Абдужалил билимли эди, аммо кимдир ўзини баланд тутса, бошқаларга беписандлик қилса, жим қараб турмасди.

Бўлди қил! — дерди аввалига.

Бу гап қор қилмаса, кейин муштга ўтарди... Шу сабаб болалар унга лақаб қўйиб олишган. Абдужалил тўйларда кураш ҳам турар, тенгқурларини қоқ ернинг кўзига кўтариб урарди. Шунинг учунми, қишлоқ одамлари тўйларга четдан полвонлар келишса, даврага энг биринчи Абдужалилни чикаришар, у жон-жаҳди билан курашиб, қишлоқнинг ориятини сақлаб қолар, ўзга полвонлардан йиқилишни ўлим билан тенг биларди... Унинг бундай жасоратидан қувонганлар вақти келиб, ундан катта полвон чиқишига умид боғлар, айримлар эса ўша ерда ҳам «Чўпоннинг боласи полвон бўлганда ҳам қаергача борарди», дейишарди.

Хикоя

Холиёр САФАРОВ

СИР

Панжи чўпон ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан таёғини судраганча кўй изидан тоққа қараб кетар, харсанг тош устида ўтириб, кўкка боққанча Яратганга илтижо қиларди:

— Мен-ку ҳаммасига чидайман, бунга ўрганиб ҳам қолдим, аммо болаларимнинг юзини ёрга қаратмагин, эй Яратган эгам!..

Абдужалил мактабни битиргач, Жисмоний тарбия институтида ўқиш учун отасидан оқ фотиҳа олди. Мусофирнинг йўлини Худо ўнглайди. У талабалик бахтига мурассар бўлди. Сўнг ҳаётнинг қатор синовларига дуч келди. Савлатингга яраша давлатлар бўлмаса ҳам қийин экан. Талабалар турар жойида яшайдиган полвон йигитнинг энди кўп нарсаларга қўли калталик қила бошлади. Ҳар нарсадан ўзини тортиб, қисиниб юрарди. Аммо машғулот учун кетадиган харажатларга сахий эди. Эрталаб институт стадионида, кечкурун эса залдаги машғулотларда қатнашар, яқшанба кунлари «Қариндошларимникига бориб келай», деб иш ахтарарди.

— Жалил, нега болаларга кўп қўшилмайсиз? Нима, бирор муаммонгиз борми?

— Ҳеч қандай муаммо йўқ. Ҳаммаси жойида.

— Ота-онангиз борми?

— Худого шукр!

— Болаларга қўшилиб, байрамларга, зиёфатларга бормайсиз. Қизлар билан ҳам гаплашмайсиз.

— Бу ёғи энди менинг ишим-да, ўртоқ. Жуда билгингиз келса, ҳали кўприк устида гаплашамиз...

— Тентакмисиз? Бу нима деганингиз?

— Ҳаммасини вақти келганда билиб оласизлар...

Унинг бу гапларидан курсдошлари ҳайрон бўлишар, «тоғлик боланинг сал томи кетганга ўхшайди», дегандек бир-бирига ажабсиниб қараб қўйишарди. Машғулот пайтлари ҳам у бировга бурнидан ба-

ланд гапирмасди. Аммо бугунги воқеа барчани ҳайрон қолдирди. Курсдошлар назарида тупроқдан олов чикди.

Эртаси кунни ўқишга борса, Шероз эшик ёнида турибди. Индамай ўтиб кетаётган эди, чақирди.

— Жалил!

Абдужалил ялт этиб қаради. Унинг кўзларида «Нима дейсан?» деган савол зоҳир эди.

— Жалил, — деди Шероз унинг ёнига келиб. — Бир дақиқага бу ёққа юринг-да?

Йўлак четига ўтишди.

— Нима дейсан?

— Жалил, — деди Шероз. Аммо негадир кўзларини олиб қочди. — Жалил, кеча мен нотўғри гапириб юборибман. Бунинг учун узр сўрайман.

Абдужалилнинг бўйин томирлари шишиб, бурун катталари кенгайиб кетди.

— Келинг, қадрдон дўст бўламиз! — деди Шероз қўл узатиб. — Уришиб дўстлашганлар жуда қалин бўлишади.

Этилган бошни қилич кесмас. Абдужалил ҳам қўл узатди. Иккаласи ўша ерда қучоқлашиб, дўст тутинди.

— Раҳмат, — деди Абдужалил. — Ундай бўлса, ўтган ишларни унутинг.

— Сиз ҳам.

Улар ёнма-ён аудиторияга кириб боришганида курсдошлар тушунолмай қолишди.

— Биз энди дўстмиз! — деди курсдошлар нигоҳидаги саволни англаган Шероз.

— Ҳа, биз дўстмиз! — Абдужалил Шерозни бўш турган партага чорлади. — Келинг, шу ерда ўтира-миз.

Ҳамма ҳайрон эди.

— Жалил тентак, — деди ҳадди баланд курсдошларнинг бири. — Сен ҳаммага «ҳали кўприкнинг устида гаплашамиз», дердинг-ку?

— Вақти келади, ҳамма кўприкнинг устида гаплашади.

— Жалилнинг шу гапига ҳеч тушунолмадим-да, — деди яна бир курсдоши. — Балки энди тушунтирарсан, полвон?

— Кўприкнинг устига борганинг-да ўзинг тушуниб оласан!

Бу гапга тушунмаган Шероз унга маъноли қараб қўйди...

Орадан тўрт йил тўрт кундек ўтиб кетди. Бу вақт орасида кимдир нимадир қилишга улгурди, кимдир эса йўқ. Спортда ҳам, ҳаётда ҳам орият талашган Абдужалил миллий кураш бўйича чемпион бўлди, хориждан икки марта олтин медал билан қайтди, олимпиадаларда мамлакат байроғини баланд кўтарди...

Институтни битирган спортчиларга тантанали диплом топшириш маросимида Абдужалилга сўз берилди.

— Азизлар, — деди у микрофонни қўлига олиб, — мен чиройли гапиролмайман, аммо бир нарсга қатъий ишонаман. Биз ҳаётимиз давомида кўп доволлардан, кўприклардан ўтаимиз. Ҳар бир синов, ҳар бир жараёни мен кўприкка ўхшатаман. Ҳатто умримизни ҳам! Мана шу тўрт йиллик таълим ҳам биз учун бир кўприқдан ўтишдай гап эди. Аммо кўприқдан ҳамма ҳар хил ўтади... Мен барчага ҳаёт йўлларида учраган кўприклардан, доволардан мағрур ва ёруғ юз билан ўтиш бахтини тилайман!

У сўзини тугатиши билан курсдошлар бир-бирига қараб қолишди. Улар учун энди сир очилгандек эди.



Кумуш қиш зийнати...

ХУСУСИЙ КИНО: ЮТУҚ ВА ИЗЛАНИШЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Филмнинг дастлабки саҳналарида бош қаҳрамон Тохир Миралиев ижобий образда намойён бўлса, яқинда бу жиҳат иккинчи планга ўтиб, воқеалар ривожидидаги мантикий изчилик бузилган. Шунга қарамай, филм ижодкорлари имкон қадар халқ тилига яқин сўз ва иборалардан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Агар «Тилла бува» филмини комедия жанрида суратга олинган «Олинг куд — беринг куд», «Менинг акам бўйдоқ» каби филмлар билан солиштирадиган бўлсак, мазкур асарлар, аччиқ бўлса-да айтиш кераки, саёз матн, бачкана ҳаракат ва иборалар асосига қурилган яққол кўринади. «Тилла бува»да эса ҳатто кичик персонажларга юклатилган ва-зифа ҳам тўлақонли ифода этилган.

Албатта, хусусий студияларда фаолият юритаётган ижодкорларни долзарб ижтимоий мавзулар ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ. Айниқса, ўз бахтини излаган, тинч осуда ҳаёт учун курашаётган матонатли аёллар тақдирини кўпгина филмларга мавзу бўлаётгани ижобий ҳолат. Шу ўринда оилага вафо, бурч каби фазилатлар унғуланган «Узоқ», «Сабоқ» «Сенга муҳтожман», «Мадина» каби филмларга эътибор қаратиш ўринли.

«Сабоқ» филмида ҳар қандай широктада ҳам тушун қайфиятга тушмайдиган, ҳалол меҳнат қилаётган бош қаҳрамон (актриса Р.Шодиева) ўзга юртларга кетиш орзуси билан яшаётган турмуш ўртинини образи билан қарама-қарши қўйилса, «Сенга муҳтожман» ва «Мадина» филмларида ота-она олдида ўз фарзандлик бурчини адо этишга ҳаракат қилаётган ўзбек қизлари кўрсатилади. Аммо бу эса надалат студияларда оригинал сценарий яратиш масаласи муаммага айланиб бораётганидан дарак беради.

«Кутқаринг, қарияпман» филми фантастик-саргузашт жанрига қисман жавоб беради. Ушбу филм бойлик орттиришни ҳаёл қилган ёшлар учун ўзига хос сабоқ вази-фасини ўтайди, десак ҳақ бўлмайди. Унда бош ролларни ташкил этган Адис Ражабов ва Шахзода Матчоновна образларида замонамиз ёшларининг қиёфаси акс этган. Лекин бир-икки жумлада ифодаш мумкин бўлган фикрни узундан узоқ насихат билан тушунтириш жанр талабларига зид келади. Улугбек Зударов ва Баҳодир Мирмахсудов сценарийлари асосида суратга олинган «Дарди бедаво» филмида эса жанр софлиги эришилган. Филм ижодкорлари ёшлар муҳаббати орқали ижтимоий ҳаётда мавжуд турли муаммоларни ёритишга ҳаракат

қилишган. Ижро, монтаж ритми, оператор маҳорати эътиборни тортади. Бироқ филм воқеалари ривожини кўриб, ёшлар муҳаббатини ёритишдан юқорида кўтарилмагани асарнинг ўрта миёна даражада қолишига сабаб бўлган.

Мамлакатимизда ёшларнинг ёрқин келажиги учун яратилаётган имкониятлар барчамизга аён. Замондошларимиз орасида ҳаётнинг иқтисодида кашфиётлар қилаётган, ёш бўлишига қарамай турли жаҳалларда катта ютуқларни қўлга киритаётганлар бисёр. Аммо нодавлат студиялар филмларининг аксариятида муҳаббатига эриша олмагани учун ўз жонига қасд қилаётган, ҳали ҳаётда ўз ўрнига эга бўлмай туриб, севгилисига эришиш йўлида кўп нарсаларни даъво қилаётган ёшларни кўраемиз. Шу маънода, «Бевалар», «Супер» қайнона», «Қудожонлар», «3,2,1» каби филмлар томо-

шабининг бадий дидига салбий таъсир ўтказётгани, дунёқарши ва тафаккурига маънавий озиқ бермаётганини таъкидлаш лозим. Зўраки қўлги учун ўйлаб топилган бундан филмлардаги сюжет ва диалогларга кўниккан томошабин бадий савияси юқори, маъжозий кино тилида яратилган, сўз билан эмас, тасвирлар орқали фикрлашга қақирадиган картиналарни тушуниши кийин кечиси аниқ.

Яна бир жиҳат — баъзи режиссёр ва сценарийнавислар орасида театр томоша-бинлари ижобий қабул қилган асарни кино мухлислари айлани шу тарзда кўра олади, деган тушунча мавжуд. Шу хато фикр асосида суратга олинган «Бевалар» актёрлар ижроси, монтаж жиҳатидан бугунги томошабиннинг талабига жавоб бериши мумкин. Мазкур филмда томошабин эътиборини тортадиган биргина жиҳат мавжуд, яъни асарда ўз жуфтини топиб, бахтли ҳаёт кечиришга ҳаракат қилган инсонлар тақдирини ҳикоя қилинади. Лекин «Бевалар» пие-сасида тўлиқ метражли филм сценарий-сига етарли мавза йўқ. Шу сабабли ҳам айрим саҳналарда бачкана эпизод ва ҳаракатлар кўпайиб кетган.

Маҳоратли драматург ва режиссёр томошабини экран қаршидаги шунчаки кузатувчи эмас, фикрловчи шахс бўлиши-ни истайди. Шу маънода «Ёлғизгинам» ва «Дунё» филмларини қиёблайдиган бўлсак, уларнинг ҳар иккиси ҳам бир хил эътибор асосида қурилган аён бўлади. Айниқса, «Дунё» филмида болалигидан меҳрга ташна бўлиб улғайган алаҳида инсоннинг руҳияти ишонарли ёритилган. Ё.Тўйчиевнинг хусусий киностудияларда суратга олинган кўпқаб филмлари қатори мазкур асарда ҳам томошабинлар оmmasига керакли гап-ни айтишга ҳаракат мавжуд. Режиссёр «Фериде», «Жаноб Ҳечким» каби филмла-рида кўтарилган муаммо — етим ўсган ин-соннинг оғир тақдирини очиб бермоқчи бўлади. Бу ўринда Ё.Тўйчиевнинг асосий ютуғи шундаки, у азалдан ўзгармас бўлиб келган ақида ва қадриятлар ҳамиша ўз кучида қолишини, уларни бузишга бўлган уриниш яхшилик келтирмаслигини омма-боп кино тилида айтган. Айрим ўрин-ларда актёрларнинг ҳатти-ҳаракатлари та-корланаётгандек туюлса-да, режиссёр мана шу йўл билан томошабинни масала-нинг туб моҳиятига олиб кирмоқчи бўла-ди. Жумладан «Нимага?» саволининг бир неча бор, турли вазиятларда қўлланили-ши, ёш ва шўх йигит-қизларнинг лунжла-рини лўфқ қилиб лўфлашлари, Шавкат-нинг ноўрин «тиржагиш»лари замирида ўзига хос маъно аширинган.

Бугун жаҳоннинг аксарият ри-вожланган мамлакатларида фа-катгина моддий даромад учун му-аллифлик филмларини яратиш жараёни аллақачон ортада қолган бўлиб, асосий эътибор интеллек-туал жиҳатдан юқори савияли асарлар яратишга қаратилмоқда. Ўртимиздаги нодавлат студия-лар суратга олган филмларни таҳлил этиш жараёнида ҳам шу нарсаси маълум бўлмоқдаки, фил-млар сон жиҳатидан қанча кўп бўлса, сифат кўрсаткичларида ҳам сезиларли ўзгаришлар куза-тилмоқда.

Яна бир муҳим хусусият шун-даки, ҳорж маданиятининг халқ-миз табиатиға ёрқин жиҳатлариға кўр-қўна та-қлид қилиш қамайиб бормоқда. Услубий ха-толар билан бўлса-да, бадий кино жанр-ларини ўзлаштиришга интилиш кучли. Бироқ филмларнинг бадий сифатиға таъсир эту-вичи омиллар, яъни баёнчилик услуби, сценарийлар заифлиги, қисқа ва аниқ воқеа-лар тизими етишмаслиги, дидактика ва сен-timentалликка ургу бериш ҳамон устунлик қилмоқда. Бугунги ҳамон эвристика, яра-тувчи инсон образи теран таҳлил этилган филмлар ҳали кам. Демак, хусусий кино ижодкорларининг юқори савиядаги бадий филмларини яратиш йўлидаги изланишлари ҳали яқиниға етгани йўқ. Умид қиламизки, нодавлат студиялар томонидан суратга олин-ган асарлар ҳам миллий кино санъатимизни юксалтиришда салмоқли ҳиссасини қўшади.

Шоҳида ЭШОНБЕКОВА



«Жигарбандим» филмидан лавҳа.

Гўзал пойтахтимиз ўз кўрки-таровати билан кўпқаб ижодкорларга илҳом бағишлаган. Утган асрнинг ўрталарида атоқли шоир Мақсуд Шайхзода мавзаам шахарга юксак ҳурмати, чексиз муҳаббатини «Тошкентнома» номли асарида изҳор этган. Ушбу асар мис-рларидан шоирнинг чин фарзандлик самимиёлиги уфуриб турибди.

Албатта, бугунги Тошкент ярим аср аввалги Тошкентдан тубдан фарқ қила-ди. Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнаомлигида халқимизнинг бунёдкор-лик салоҳияти ила шахар қиёфаси та-ниб бўлмас даражада ўзгарди. Қад рост-лаган муҳташам бинолар, шоир таъби-ри билан айтганда, «ювилган ойнак»дек тоза ва саришта йўллар, кенг ва осуда кўчалар ижод аҳлиға илҳом бахш эт-иши табиий. Ушбу бунёдкорликлар таъки-кли шоир Махмуд Тоирни «Янги Тош-кентнома» деб номланган шеърини дос-тон яратишга ундагани адабиёт мухли-сларига маълум. Гап шундаки, дoston кино усталари эътиборига ҳам тушди. «Ўзбекино» миллий агентлиги бюрут-

масига биноан режиссёр Хожимурод Валиев «Янги Тошкентнома» ҳужжатли филминини суратга олди. Сценарий му-аллифи Шуҳрат Ризаев кенг қамровли дostonни экран учун мослаштирди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон дав-лат санъат ва маданият ин-ститутида филмнинг тақ-димот маро-симини ўткази-либ, унда асарни суратга олган ижодий жамоа билан бир қаторда, таниқли шоирлар, кино мутахассислари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

«Янги Тошкентнома» филми режис-сёрнинг ижодий ёндошуви, оператор кузатишлари ҳамда асар матнини ўқиган Ўзбекистон халқ артисти Аф-зал Рафиковнинг ноб овози билан йиғилганларда катта таассурот қол-дирди. Dostonга монанд руҳдаги филмда азим Тошкентнинг кеаги ва бугунги қиёфаси, халқимиз куч-қудра-тидан сўзловчи бунёдкорлик ишлари,

муслиқий фавворалардан тортиб, зиё таратаётган масканлари, муқаддас қадамжолари, қилин-ёзин ширин-шакар меваларга тўла бозорлари, зийли ин-сонларио илмға чанқоқ

«Янги филм» акс эттирилган. Хужжатли филмларда ре-жиссёр тафак-курдиан кўра,

оператор идрок ва зехни муҳимроқ десак, хато бўлмас. Боиси, муаллиф гоёси, ижодий ўйлари экранда буй қўратиши, уларнинг томошабинга жонли, табиий ҳолатда етиб бориши-да оператор топган кадрлар ҳал қилу-чи рол ўйнаган. Филмда бунёдкорлик-дан сўз очувчи сатрлар янграй бош-лаганида истиқлол йилларида қад рост-лаган Мустақиллик ва зғулиқ мону-менти, Эзгулик аркаси, «Ўзбекистон» халқроқ анжуманлар саройи, Темиур-лар тарихи давлат музейи, Ёшлар ижод саройи, «Шаҳидлар хотираси»

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, мақом санъати дастлаб Марказий Осиёда ривожланиб, кейинчалик бутун Шарқ оламига кенг ёйилган. Ҳозир халқ орасида оммалашган «Шашмақом» Бухорода шаклланиб бўлиб, «Бухоро Шашмақом» номи билан шухрат қозонган. Шу ўринда Бухоро мақомининг таркибида Гиждувон мактаби ҳам фаолият юритгани-га эътибор қаратиш лозим. Негаки, узоқ йиллар давомида ушбу мактабнинг тарихи мутахассислар назаридан четда қолиб кетди. Бироқ истиқлол йилларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, юртимизда мақом санъатининг тараққиё-тида Гиждувон мактаби катта ўринга эга бўлган.

Маълумки, Бухорода XIX аср охирига қелиб «Шашмақом»-нинг йирик билимдонлари Ота Жалол Носиров ҳамда Ота Ғиёс Абдуғаниев фаолият олиб бо-ришган. Устоз Ота Жалол ва Ота Ғиёснинг шоғирдлари орасида «Шашмақом»нинг наср ва муш-кулотларини чуқур эгаллаган гиждувонлик мақом ижрочили-ри ҳам бор эди.

Гиждувон азалдан маданият ва маърифат ўчоғи, тасаввуф пирлари ва мута-факкирларнинг бата-ни бўлиб келган. Гиждувон номини дунёга танитишда олиму фузалолар қаторида атоқли ма-қомхон устозларнинг ҳам хиз-мати катта. Бухоро мақомини элга манзур қилган хонандалар-дан бири Ота Жалолнинг ақин шоғирди Уста Шоди Азизов 1878 йилда Гиждувон шаҳри яқинидаги Муғул қишлоғида хунарманд оиласида туғилган.

Уша даврда Гиждувон ва унинг атрофидаги қишлоқларда ўтказилган тўй-маърака, оммавий йиғинлар машҳур ҳофизлар, со-занда ва раққослар иштироки-сиз ўтмасди. Бўлажақ ҳофиз Уста Шодининг санъати бўлган илк қизиқиши уни кўйроққоз-лар труппасига етаклади. Бу ерда у доира ва най чолғулари ижро маҳоратини эгаллади. Кейинчалик унинг созандалик шухрати Бухорога ҳам етиб борди. Уни саройга жалб этиш-ди. Саройда Уста Шоди «Шаш-мақом»нинг деярли барча наср қисминини ўрганиб, 1916 йилда созандалик имтиҳонидан муваффақиятли ўтди ва сарой ҳофизи лавозимига тайинланди.

Уста Шоди ижрочилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири шунда эдики, у мақомлар-нинг энг мураккаб шўбалари-дан ҳисобланган сарахборлар-ни катта маҳорат билан ижро этарди. Айниқса, мазкур шўба-ларнинг доира усулларини жуда мукаммал ўрганган. Зеро, мақом устаси Шашмақом са-рахборларини айта билмаса, у ўз касбдошлари ва халқ томо-нидан мукаммал ҳофиз сифати-да тан олинмасди. Уста Шоди моҳир ҳофиз бўлгани туфайли амир томонидан «Жеваҳи» (Бухоро амирларининг кичик ҳарбий унвонларидан бири) унвони билан тақдирланди.

Доимо халқ эътиборида бўлган мақомхон ҳофизлар шўбалар устидан тимай машқ қилиб, ўзига хос Бухоро ижро мактабини яратишга эришиш-ди. Улар амир хизматидан ташқари Қушбеги руҳсати билан «Наврўз» ва «Сайли гули суру» байрамлари, шунингдек, бошқа оммавий тадбирларда иштирок этиб, халқ орасида катта шухрат қозонди. Уста Шоди эса, ушбу мақомхонлар-нинг энг моҳир вакили сифа-тида эл назарига тушган.

Утган асрнинг 30-йилларида Уста Шоди Гиждувон муслиқла-драма театрида ишлади. Устоз

ҳофиз шоғирд тайёрлаш бора-сида ҳам самарали меҳнат қилди. Истеъдодли мақомчилар Мулла Турсун Раҳматов, Муҳам-мадул Нусратов, Уста Иди, Мулла Аҳмад унинг шоғирдлари ҳисобланади.

Албатта, Уста Шодининг ижо-ди мутахассисларни ҳам бе-фарқ қолдиргани йўқ. 1940 йил-да муслиқшунос олима Е.Роман-овская Гиждувонга қелиб,

«ШАШМАҚОМ» МАКТАБЛАРИ

ҳофиз ижросида «Шашмақом»-нинг наср — ашула қисмидан «Сарахбори бузрук», «Уфори уззол», «Талқинчаи уззол», «Талқинчаи сеғох» каби шўба-ларни эътибор олди. Бу нодир ёзувлар ҳозирги кунда Ўзбеки-

ҳилов ва Фазлиддин Шаҳобов билан ҳамкорликда «Шашмақом»-нинг бутун мушкулот ва наср қисмларини нотага олди ва уни 5 жилдлик китоб қилиб нашр қилишда иштирок этди.

Машҳур ҳофиз куй басталаш, муслиқ яратиш бобида ҳам са-марали ижод қилди. «Меҳнат баҳори», «Бўстон», «Чамани гулзор», «Лола» каби бетақорор қўшиқлар Б.Файзуллаев ижоди-га мансубдир. Устознинг сай-ҳаракати билан Гиждувон ва унинг атрофидаги қишлоқлар-дан ҳам мақомхон хонандалар етишиб чиққа бошлади. Улар ўз устозларининг ижрочилик анъ-аналарини давом эттириб, мух-лисларнинг ҳурмат ва эътибори-га сазовор бўлишди. Соҳибий-лик Маматқул Нусратов, арми-чанлик Мулла Турсун Раҳматов, палонзелик Мулла Аҳмад, шўрчалик Уста Иди, зарангарлик

Ато Бақоев каби хонандалар «Шашмақом»нинг наср қисми — сарахбордан бошлаб, уфори шўбалиригача доира журлиги-да ижро этиб, Гиждувон макта-би анъаналарини давом эттиришди.

Уста Шодининг шо-ғирдларидан Уста Ма-матқул Нусратов ва Мулла Турсун Раҳма-тов алоҳида ижро ма-ҳоратиға эга эди. Бу истеъдо-дли ҳофизлар мақом санъати-ни янги услублар билан бой-итишди. Уларнинг овози бир-бирига шундай мутаносиб эдики, ижро давомида мақом-ни икки хонанда қуйлаётгани



Мақом усталари — Юнус Ражабий, Ориф Алимаҳсумов ва Шокиржон Эргашев.

стон санъатшунослик илмий-теқшириш институтини кутубхона-сида сақланмоқда.

Гиждувон мактабларининг маш-ҳур ижрочиларидан яна бири Уста Шодининг шоғирди Бобо-кул Файзуллаевдир. У ёшлик чоғларида мақом санъатини ўрганиш мақсадида Уста Шоди Азизовга шоғирд тушди. Кейин-чалик атоқли мақом усталари Ота Жалол, Мирзо Назрулло, Султонхон Ҳақимов ижро услубларини мукаммал ўрга-нади. У «Шашмақом» ва мум-тоз кўшиқлардан «Муғулчаи дуғох», «Уфори оромжон», «Самарқанд ушшоғи» (Ҳожи Абулқазиз Расулов таснифидан) ни маҳорат билан ижро этиб эътирофга сазовор бўлди. Шу-нингдек, ҳофиз Ҳожи Абдула-зиз Расулов ижод этган «Самарқанд ушшоғи»да клас-сик мақомларда ишлатиллади-ган «Уззол», «Зебо пари» ва «Мухайяр» авжларидан моҳир-лик билан фойдаланган.

Мақом устаси Шохназар Со-ҳибовнинг ҳикоя қилишича, Бо-локул Файзуллаевнинг овоз фо-силаси яъни диапозони кичик бўлса ҳам, ширадорлиги ва таъсирчанлиги билан бошқа-лардан ажралиб турган. Маъ-лумки, «Шашмақом» ижрочили-нинг мақом шўбаларини фа-катгина яқна тарзда эмас, бал-ки бир неча хонанда журлиги-да ижро этиш мумкин. Бу услуб-нинг қийинлиги шундаки, ижро-чиларнинг овозлари бир-бири-га мутаносиб бўлиши зарур. Бу эса ижроқидан жўр бўлаётган ҳолга асоси садовсини қозид-чи эса билишни талаб қила-ди. Б.Файзуллаев мақомчилик-нинг ана шу мураккаб ижро усу-лини ўрганиб, Бухоронинг уста мақомхон ҳофизлари Шохна-зар Соҳибов ва Фазлиддин Ша-ҳобов билан ҳамнафаслик қил-ди. «Шашмақом»нинг деяр-ли бутун наср-ашула қисмининг жўровозликда ижро этиб, пластинкаларга муҳрлади.

Б.Файзуллаев фақатгина ма-қомхон ҳофиз бўлмай, ҳассос танбурчи ҳам эди. У танбурда «Таржеи бузрук», «Таржеи наво», «Таржеи дуғох», «Таржеи сеғох», «Таржеи ирок» сингари кўпқаб йўналишларни ўзлашти-риб, моҳир созанда даражаси-га етишди. Ҳофизнинг мақом-чилик санъати ривожига қўшган яна бир катта хизмати шундан иборат бўлдики, у ўзининг ҳам-нафас дўстлари Шохназар Со-

сезилмасди. Бундан ташқари, бу жўровоз хонандаларнинг ижро дастури мақом ва халқ қуйларининг мураккаб қўри-нишларидан иборат бўлган. Улар «Муғулчаи дуғох», «Му-ғулчаи сеғох», «Насри баёт», «Талқини баёт», «Гулзорим», «Бухоро ироғи», «Бекбоқча» каби қатор ижро услуби му-раккаб бўлган йўналишларда ижод қилиб, катта ютуқларга эришишди. Ҳар иккала санъ-аткор ҳам умрининг сўнгига қадар халқ хизматида бўлиб, маънавий меросимиз ҳисоб-ланган «Шашмақом»ни кенг тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатишди.

Мустақиллик йилларида гиждувонлик ҳофизлар яратган муслиқий мерос қайтадан тик-ланиб, уни илмий жиҳатдан ўрганиш, тарғиб қилиш маса-ласига катта эътибор қаратил-ди. Шу ўринда ЮНЕСКО томо-нидан «Шашмақом» оғзаки ва номоддий мерос дурдонаси) сифатида рўйхатга олинсини алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакатимизда мақом санъ-атини ривожлантириш, айнқ-са, бу соҳаға ёшларни жалб этиш мақсадида республика ва халқроқ миқёсда ўтказилаётган танловларни ҳар қанча эъти-роф қилса арзийди. Зеро, «Шарқ тароналари», «Асрлар садоси», «Қўҳна замин оҳанга-ри» каби нуфузли санъат ан-жуманларининг ўтказилиши, дунё халқларини мақом санъ-атидан баҳраманд этиш имко-нини берди.

Хулоса ўрнида айтиш мум-кинки, гиждувонлик мақомхон устозлар, созандаю машҳор-лар Бухоро хонандалик макта-бин тарқиқотиға катта ҳисса қўйишди. Бу билан улар ўзбек мумтоз муслиқ санъати риво-жига ҳам ижобий таъсир кўрса-тиб, мақомни янги йўналиш-лар билан бойишиға сабаб бўлишди. Қувонарли жиҳати, мустақиллик йилларида улар-нинг ижрочилик йўллари Фарход Сайидов, Турсунбой Остонов, Ражаббой Авезов, Шерали Пулатов, Лутфулла Аҳмедов, Дилфуза Оловова, Шаҳодат Аҳмедова сингари истеъдодли ёшлар давом эт-тириб келишмоқда.

Файзулла ТўРАЕВ,
Ўзбекистон Бастакорлар
уюшмаси аъзоси,
профессор.

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

“РАНГЛАР ВА ОХАНГЛАР”



булсин, деган мақсадда халқона, қиссагуилик услубини маъқул кўрдим”.

“Ранглар ва оханглар” туркуми ҳам шоир ижодий изланишларида ўзига хос саҳифани ташкил этган. Мазкур шеърини тизмаларда муаллиф ёйиқ, воқеабанд ифода шаклига мурожаат қилган.

Шоир изоҳ берганидек, “тўхталиб-тўхталиб ўқишни тақозо этадиган ушбу учлик” шеърларнинг бирида ранглар ва оханглар уйғунлиги куйидаги тарзда намоён бўлади:

... Аввал-охир йўқ мажхул дунёнинг
Суврату сийратин чиза олган ким?
Синаб кўражақ у сени ҳам албат.

Шамоллар елади, сувлар чопагон,
Қумсуқлар тинмас, ўқирар шерлар,
Ҳалеб куймаларан ўртада Инсон.

Қара, наъматакнинг қуруқ шохиди
Бир қуш сайраб турар саҳардан то кеч,
Сергак бўлосайдиқ ўша қуш каби.

Китобга Ҳабиб Абдуназар муҳаррирлик қилган.

«МЕН ЎЗИМ, ЎЗИМ»

Атоқли адиб Муҳаммад Алининг ушбу китобига унинг қарийб ярим аср мобайнида яратилган шеърини ижодидан намуналар киритилган. Унда ўзига хос шеърини лисон ва инжа бадиятга йўғрилган шеърлар, «Машраб» достони ва «Боқий дунё» шеърини романи каби асарлар бор.

«Нима учун шеър ёзилади ёки кенгрок қаралса, умуман ижод қилинади?» — деб мулоҳаза

юртада муаллиф китобга сўз боши ўрнида берилган «Ўзим ҳақида» номли хасби ҳолида. — Кўп мавжуд аниқ фанлар инсоннинг меҳнат фаолияти, моддий ҳаёти билан боғлиқ, уларни чуқур ўқиб-ўрганса бўлади, турли тасниқ ва мўтабар касб эгаси мақомида тўкин-чочин ҳаёт кечирши мумкин. Лекин ижод руҳ билан боғлиқ нарсаси, руҳ моддий эмас, унинг олами бошқадир, шу сабабдан ҳам уни ўқиб-ўрганиш мушкул, балки иложи йўқ, уни фақат ҳис этмок керак, туймок керак. Ижод қилиш салоҳияти инсоннинг зуваласида бўлмоғи лозим. Бу — аксиома. Худо берган салоҳиятга бепарво


қараб вақтни бекор ўтказиш инсон учун кечириб бўлмас гуноҳдир.»

1966 йилда ёзилган шеърларини ўқиб «Машраб» достони Ойбекнинг «Машраб» номли шеърдан кейин адабиётимизда буюк шоирнинг тўлақонли бадий образини яратиб берган илк дoston экани билан қадридлидир.

Халқимизнинг ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср биринчи чорагидаги мураккаб ҳаётдан ҳикоя қилувчи «Боқий дунё» шеърини романи ватанпарвар ва миллатпарвар боболаримиз образларини адабиётимизга олиб кирган асардир. Муаллиф асарни замон тақозоси ва бадият талаби билан қайта назардан ўтказди ва унга янги таҳрирлар киритган.

«Мен ўзим, ўзим» китоби серқирра адибимизнинг шеърини ижоди ҳақида тўла тасаввур беради.

Китоб Ғафур Ғулom номидagi нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган. Муҳаррир Муҳиддин Омон.



“КЎК ҚАРҒАЛАР ҚАЙТИБ КЕЛМАДИ”

Ҳаётини воқеаларга асосланиб ёзилган асарлар китобхонга соф бадий асардан кўра айрича таъсир кўрсатади. Зеро, бундай асар муталааси чоғида ўқувчи онгига “бу бўлган воқеа”, деган фикр туради. Шу боис воқеий асарларга муносабатда бадий-эстетик талабларга қараганда “қай даражада реал, ҳаётини”, деган талаб-меъзон устуворлик қилади.

Шу нуқтага назардан ёзувчи Дурбек Қўлдошевнинг “Шарқ” нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида чоп этилган “Кўк қарғалар қайтиб келмади” номли воқеий ҳикоялар, ҳангомалар тўпламига жамланган асарлар синчков китобхон эътиборини тортиши тайин.

Китобдаги аксарият воқеий ҳикоялар “қаҳрамон”лари табиат оламининг турфа хил жонотлари. Албатта, табиий ҳодиса-

лар, “персонаж”лар саъй-ҳаракати, шавқи ва фожеаси кузатувчи-муаллиф тилидан таъсирчан талқин этилади. Чунончи, “Кўк қарғалар қайтиб келмади” номли воқеий ҳикояда гаройиб кўк қарғалар ҳар йили келиб-кетадиган манзилини тарқ этганига сабаб бўлган ҳодиса баён этилади. Йиртқич қуш — қора қалхат ҳамласидан ҳалок бўлган кўк қарғанинг жуфти уясини бутунлай тарқ этади... Табиатнинг ўзида кечадиган бундай ҳодисанинг содда, қизиқарли баёни ўқувчида жонли табиатга, жонотларга нисбатан меҳр-шафқат туйғусини тарбиялаши билан аҳамиятлидир.

Тўпламдаги “Қадрдон оролим”, “Гуноҳдор”, “Очикдаги тутқунлар” каби воқеий ҳикояларга ҳам ана шундай мазмун сингдирилган.

Шунингдек, китобга киритилган бир қатор ҳаётини ҳангомаларда турмушда учраб турадиган айрим иллатлар, лоқайдликлар ҳажв тиги олинган. Тўпламга Р.Бойтўра муҳаррирлик қилган.



“ЮРАГИМДА ЯШАЁТГАН СИР”

“Академнашр” нашриётида чоп этилган шоира Гавҳар Ибодуллоеванинг “Юрагимда яшаётган сир” номли тўпламига қалб сирига айланган соҳир туйғуларнинг ташбеҳларга бой, самимий бадий талқинлари жозиб ифодасини топган шеърлар жамланган. Шоиранинг ушбу мисралари юқоридаги таъриф-таъсифга далил бўла олади:

Нечук толедир бу, нечук синаот,
Меҳристон унмоқда қаҳрақаримда.
Қўнлим ўсиб борар дарахт мисоли,
Согинч қафт ёзда япроқларимда.

Тўпламдаги шеърлар мазмун ва ёзилган вақти нуқтага назаридан “Дилимнинг хутбаси”, “Талабалик дафтарида”, “Қўнлимнинг бир чети” деб номланган туркумларга

жамланган. Шунингдек, китобга шоиранинг “Қутлуг сўзлар” ва “Бир вужуд согинч” китобларидан сайланган шеърлар ҳам киритилган.

“Шеър нима? Шеър — ишқ тилидир”, деган фикрни билдирган экан улуг шоирлардан бири, — деб ёзда таниқли шоир Икром Отамурод “Юрагимда яшаётган сир” китобига ёзган

сўзбошида. — Гавҳар Ибодуллоеванинг шеърларида худди шундай тарз намоён, яъни улар қангудла макон топган ишқ тилининг сўзлари. Шоир ишқ тилининг сўзларини шунчаки баён этмайди, балки уларни туйғулор қиёсига, согинчлар шўъласига, ҳислар ишорасига айлантиради. Тўпламга А.Шаропов муҳаррирлик қилган.



ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш ўринларга танлов эълон қилади.

“Овоз режиссёрлиги ва кинотелеоператорлик маҳорати” кафедрасига 1 та кафедра мудири, “Чолғу ижрочилиги” кафедрасига 1 та кафедра мудири, 1 та профессор, “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедрасига 1 та доцент, “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедрасига 1 та кафедра мудири, 1 та катта ўқитувчи.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ректор номига ариза.
2. Ишловчининг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги дипломи нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлари рўяхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган бўлиши керак).
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Миробод тумани,
Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

Телефонлар:
255-88-17, 255-16-08.

Ёш авлод бизни ўраб турган оламин қандай тасаввур этади? Янги аср болалари нималарни орзу қилади? Бу каби саволларга “Тошкент қувончлари” IV Халқаро болалар расмлари биенналесиди

намоиш этилган асарлар орқали жавоб олса бўлади. Кўргазмадан беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган дунёнинг йигирма етти давлати болаларининг икки мингдан зиёд асари ўрин олган. Мингдан зиёд асар хорижлик ёш хаваскорлар мўйқалмига мансуб бўлса, тўққиз юз ўн иккита асар муаллифи эса ўзбекистонлик болалар. “Ёшлар ижод” уйида ҳафта мобайнида болаларга хос байрамона руҳда ўтган кўргазма барча иштирокчилар ва томошабинларда катта таассурот қолдирди.

— Болаларимиз истеъдодли. Улар ўз қобилиятларини намоён этишлари, илк асарларини бошқа муаллифларнинг асарларига таққослашини ва бундан илҳом олишини кўзда тутганмиз, — деди Бадий академия раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нуридинов. — Бунинг учун ҳамма шарт-шароит му-



РАНГИН ОЛАМ

хайё. Биенналедан асосий мақсад тасвирий санъатга эндигина қадам қўйган болаларни қўллаб-қувватлаш, ёш рассомларнинг хориждаги тенкурлари билан алоқалари

ни йўлга қуйишдан иборат. Кўргазманинг йилдан йилга нуфузи ошиб бораётгани бизни қувонтиради.

Козогистонлик Н.Изтурганнинг “Менинг оламин” суратида тоғ бағрида жойлашган ўтов акс этган. Россиялик Д.Митраков чизган расмда эса машиналар гавжум кўча тасвирланган. Исроиллик Г.Кантар “Карвон кун ботиш арафасида”, деб атаган асарида карвон билан бирга саҳро табиатини ҳам акс эттира олган. Мисрлик болалар ижодида мўъжизавий манзаралар, хурмо дарахтлари, тош деворли уйлари кўриш мумкин. Ўзбекистонлик бола-

лар асарларида табиатнинг сўлим манзаралари, қуёшли кунлар, бахтли болалик манзаралари акс этган.

Бир ҳафта мобайнида ҳакамлар ҳайъати болалар чизган суратларни кузатиб, биеннале мавзуларини тўлиқ ва мукаммал акс эттирган энг яхши расмлар муаллифларини бронза, қумуш ва олтин медаллар билан тақдирлади. Болалар биенналесининг бош совринига “Болалар қувончлари” ва “Сайраб” номли суратлар муаллифи тошкентлик Мериюм Алиева (6 ёш) сазовор бўлди. Дарҳақиқат, Мериюм болалик оламин лаҳзаларини тасвирлаш билан бирга, шахримизнинг гўзаллигини ҳам намоён эта олган.

Мазкур кўргазма Ўзбекистон Бадий академияси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

Пойтахтимиздаги “Маданият ва санат кўргазмаси”да “Арт-декор” интерьер-дизайн кўргазмаси очилди. Кўргазмада машҳур ижодкорларимизнинг тасвирий санъат, графика, чинни, ойна устида ганч, гобелен, батик, меҳел, нақошлик санъати, ганч ўймакорлик усулларидаги асарларини кўриш мумкин. Содиқовлар оиласи асарлари, Ануш Авакян ва Наталия Доманцевичнинг қулоқчилик буюмлари, Дилия Демееванинг гобеленда акс эттирган манзаралари томошабинларга манзур бўлди. Темирдан санъатчонан ишланган уй-рўзгор буюмлари кўргазма мухлисларида катта таассурот қолдирди.

С.КОСИМОВА
Алексей ПОПОВ олган суратлар.

Соғлағинг — бойиғинг

ТИШ ВА МИЛҚЛАР СОҒЛОМЛИГИ НАМАГА БОҒЛИҚ?

Кунинг икки маҳал тиш ювиш милқлар ва тишларнинг соғлом бўлиши учун энг зарур тадбир саналади. Бироқ тиш чўткангизда тез-тез қонаш белгилари кузатилса ва тиш ювиш нохушлик туғдирса, нима қилиш керак? Бу, энг аввало, милқлар “қучси” ланиб қолганининг белгиси бўлиб, унда яллиғланиш жараёни кечаётганидан далолат беради. Милқлар касал бўлса, тиш ҳам, унинг атрофидаги этлар ҳам хасталабди ва оқибатда тиш қимирлайдиган бўлиб қолади. Сўнгра эти очилиб, тушиб кетиши мумкин.

Оғиз бўшлиғи носоғломлигининг асосий белгилари — милқларнинг яллиғланиши ва қон чиқариши, тишларда қариес (емирилиш), тошчалар ҳосил бўлиши, оғизнинг ҳидланиши. Бундан ташқари, тишнинг атрофидаги ҳужайралар мажмуи — пародон-тада инфекция ўчоғи пайдо бўлиб, нафақат тишларнинг ҳолатига, айти чоғда, бутун организмнинг умумий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шикастланган милқларни даволашнинг асосий профилактикаси тозалик — гигиенага риоя этишдир. Милқларнинг қонлаши ва яллиғланишининг олдини олиш стоматологиянинг асосий муаммоларидан. Милқларнинг қучсилашиб, касаллана бошлаганидан белги берадиган аломатлар бир қанча. Улардан кенг ёйилганлари:

— гингивит (милқларнинг яллиғланиши),
— пародонит (пародонга ҳужайралари яллиғланиши; бунда боғловчи ҳужайралар ва тишнинг суяк тўқимаси емирилади).
Бу хасталикларнинг келиб чиқиш сабаблари кўп. Ноқулай ясама тишлар қўйилиши боис жараҳат келиб чиқиши, тишларда тош ҳосил бўлиши, иммунитетнинг сустайиши, яъни организм оғрик берувчи микроорганизмлар фаолиятига тўсқинлик қила олмай қолган ҳоллар ҳам сабаб бўлади. Шунга қарамай, шифокорларнинг фикрича, милқларнинг қонлашига оғиз бўшлиғи гигиенасига етарли даражада риоя этмаслик асосий сабаб ҳисобланади. Кўпала тадқиқотларнинг кўрсатишича, яллиғланиш ва пародонит келиб чиқиши сақсон фоиз ҳолатларда бактерияларнинг тишга “ҳужуми” билан боғлиқ.

Бундай тиш ва милқ хасталикларини даволаш йўллари ва қандай препаратлардан фойдаланиш зарурлигини тиш шифокори аниқ қилиб айтади. Оғиз бўшлиғини ҳамма тоза сақлаш ва тўри муолажа тиш ва милқ хасталикларининг олдини олишда кўл келади. Бунинг учун қуйидаги воситалардан фойдаланиш тавсия этилади: шифокорлар ҳар кун эрталаб ва кечқурун тишларни ювиб тозалашдан ташқари, милқлар яллиғланишига қарши қўшимча воситалар (оғизни чайиш учун эритма ёки спрей)дан фойдаланиши маслаҳат берилади. Тиш пастаси одатдагидан ўзгача, яъни милқлар қонлаш бўлганда фойдаланиш учун махсус чиқарилган бўлиши керак. Табиий ўт ва гиёҳлар қўшилиб ишлаб чиқарилган воситалар, масалан, оғиз бўшлиғини муолажа қилиш учун мўлжалланган “Пародонтицид” туркумидан фойдаланиш мумкин.

Мазкур туркумдаги препаратларга эфир мойлари, маврак экстракти, ялпиз, чиннигул каби ўсимликлардан тайёрланган ҳамда зарарсизлантирувчи, тинчлантирувчи, оғрик қолдирувчи, бактерияларга, яллиғланишга қарши курашиш хусусиятига эга воситалар киради.

“Пародонтицид” тиш пастаси таркибида бактерияга қарши моддалар бўлиб, улар милқ ва пародонга хасталиклари олдини олишда самарали воситадир. Бу тиш пастаси қариеснинг олдини олади ва тишларнинг эмал қобилитини мустаҳкамлайди. У табиий гиёҳлардан тайёрлангани учун хуштаъм, уларда ялпиз ва чиннигул хиди бор. Агар унга “Пародонтицид” туркумидagi эритма ва спрей ҳам қўшиб қўлланса, муолажа самараси ошади. Бу эритма билан оғиз чайилса, қон чиқиш ва милқлардаги оғриклар бир-икки кундаёқ қамайиб, ижобий ўзгариш кузатилади. Эритма оғиз бўшлиғининг соғлом микрофлорасига ҳалал бермайди, тиш эмали ва пломбаларни қорайтирмайди.

Милқлар қонашининг олдини олиш учун оғиз бўшлиғи гигиенаси воситаларидан, хусусан, эрталаб ва кечқурун тиш ювилгач, дарҳол “Пародонтицид” спрейидан фойдаланиш зарур. Ҳар сафар овқатдан сўнг оғизни мазкур спрей билан чайиш яхши самара беради. У милқларни мустаҳкамлайди, қон чиқиши барҳам топади. “Пародонтицид” гели ҳам шу мақсадларга мўлжалланган.

✓ **Уйқудан олдин қатик ичиш зарарлими?**

— Уйқудан олдин қатик, кефир ичиб ётиш соғлиқ учун зарарли эмас. Уларни уйқудан 1-2 соат аввал ичган маъқул. Яхшиси қатик ва кефирни бошқа бирор егулик қўшмасдан ичинг. Шифокор томонидан аниқланган таом ҳазми билан боғлиқ хасталиги бор киши кечаси уйқудан олдин қатик ё кефир ичмагани мақсадга мувофиқ.

✓ **Қандай таомлар қонни қуюқлаштиради?**

— Гречка ёрмаси, банан, шивит, петрушка, исмалоқ, кориандр каби қўқатлар, оқ баргли қарам, наъматак меваси, уетан дарахти меваси ва қора рангли рябина қоннинг қуюқлигини оширади, — дейди доктор С. Агапки. — Бўймадарон, валериана, қизил-пойча, қариқиз, қирқбўғин, қичитки ўт каби доривор ўсимликлар, шунингдек, маккажўҳори попуқлари, эман дарахти ва қалина пўстлоғи ҳам шундай хусусиятга эга. Таомлар ёрдамида қоннинг қуюқлигини, аксинча, қамайтириш ҳам мумкин. Бунинг учун дастурхонда ҳаммавақт суюқлик ва қуйидаги таомлар кўпроқ бўлиши зарур. Масалан, бодрининг тўқсон фоизи сувдан иборат. Ярим стакан қизил узум шарбати қондаги тромбозитлар фаоллигини 75 фоизга қамайтиради. Клюква мевасидан чой тайёрлаб ичиш, денгиз қарам, қовун, грейфрут, қизил булғор қалампири, помидор, гилос, олча, бодом, саримсоқ пивз, ачиқ шоколад, лимон, лавлаг, қакао, қахва, қунгабоқар пистаси каби жуда кўп неъматлар ҳам қон қуюқлигини қамайтиришга ёрдам беради. Қоннинг қуюқ ва суюқлигини ўзгартаришга киришишдан олдин, яхшиси шифокор билан маслаҳатлашган маъқул.

“АиФ”нинг 51-сонидан олинди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЈДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзил: uzas@b2c.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош
муҳаррир
Саъдулла
ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўғамалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили: Ўзбек Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4262 Буюртма Г — 1244. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

